O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2009-yil, 11-sentyabr • № 37 (4020)

Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг катта залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги аппарати, тизимдаги ташкилот ва муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари бошлиқлари иштирокида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида қўйилган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида кўтарилган масалаларни ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА

Дунё шиддат билан ўзгариб бормоқда. Янги асрнинг дастлабки ўн йиллиги жаҳоннинг ҳамма минтақаларида кескин бурилиш йиллари бўлди десак, муболаға бўлмайди. Глобаллашув жараёни, иқлимнинг ўзгариб бориши, ерости ва ерусти бойликларига эга ҳудудларни таъсир доирасига олиш учун бўлаётган ошкора-пинҳона ҳаракатлар, "оммавий маданият" деб номланаётган офатнинг турли кўринишларда маънавий ҳаётимизга, турмуш тарзимизга кириб келаётгани ва ёшлар тарбиясига салбий таъсири, табиийки, маълум муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бу ҳолат ва бугун бутун дунёда ҳукм сураётган, салбий оқибатлари жаҳоннинг энг йирик, ривожланган бой-бадавлат давлатларини ҳам четлаб ўтмаган глобал молиявий-иқтисодий инқироз зудлик билан тегишли чора-тадбирларни қўллашни, иқтисодиётни бошқаришнинг янги стратегияси ва концепциясини, янги тамойилларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, молиявий-иқтисодий инқироз, энг аввало, жаҳон молия ва банк тизимида йўл қўйилган жиддий хатоликлар, бойликни ошириш учун шошма-шошарлик билан, фақат маълум доираларнинг манфаатларига мос келадиган қарорларнинг қабул қилиниши натижасида юзага келди, — деб таъкидлади Қонунчилик палатаси депутати Ш. Абдуллаева ўз маърузасида. — Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ миллий тараққиёт йўлининг ўзига хос ва ўзига мос йўли танланди, биз миллий бойликларни гаровга қўйиб, ташқаридан қарз олмадик, ўзимизнинг куч ва имкониятларимизга, халқимизнинг миллий менталитетига, хоҳиш-иродасига таянгдик. Ривожланган мамлакатларда ҳамма нарсани бозор муносабатлари ҳал қилади деган ақида ҳукм суриб турган бир пайтда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг беш тамойили ўзининг ҳаётбахш мантиқий асосларини намоён қилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда 2008 йилдаёқ инқирозга қарши аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва изчиллик билан амалга ошира бошланди. Бугун дунёнинг нуфузли молиявий ташкилотлари раҳбарлари ҳам ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлиши кераклиги тўғрисидаги тамойил нақадар тўғри эканлигини эътироф этмоқдалар. Бу сиёсат натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиб бормоқда. Ўзбекистоннинг ташқаридан қарз олиш борасидаги ўзига хос сиёсати мамлакат ташқи қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатини 2005 йилдаги 25,8 фоиздан 2008 йилда 14,8 фоизга тушириш имконини берди. Шуни айтиш зарурки, собиқ иттифоқ таркибига кирган мамлакатлар орасида мамлакатимиз деярли ўз ҳисобига яшаётгани, харажатларини қоплаётгани ва халқ хўжалигининг барча соҳаларини, жумладан, фан, маданият, маориф ва спортни ривожлантиришга, аҳоли турли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга йилдан-йилга кўп маблағ сарфлаётгани билан ҳам ажралиб туради. Ўтаётган йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 7,9 фоизга ошди. Бошқа асосий кўрсатгичлар бўйича ҳам ижобий натижаларга эришилди.

— Мамлакатимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сураётгани, фан ва маданият, санъат ва спорт, оммавий соғломлаштириш иншоотлари, темирйўллар қуриб фойдаланишга топширилаётгани, байрамлар зўр шод-хуррамлик билан ўтказилаётгани давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган оқилона сиёсати, донишманд ҳалқимизнинг ғайрат-шижоати, истиқлол ғояларига садоқати натижасидир, — деб таъкидлади ўз сўзида Қонунчилик палатаси депутати Б. Юсупов. — Қабул қилинаётган кўплаб қонунларда тадбиркорликка янада кенг йўл очиш, экспорт учун мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларга маълум имтиёзлар бериш, маданият муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ўз аксини топган.

Дарҳақиқат, маданият, санъат, адабиёт ва спорт соҳалари, ёшлар тарбияси давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида турибди. Бу ғамхўрликнинг натижаси ўлароқ, вакилларимиз дунё миқёсидаги нуфузли беллашувларда, жаҳон ва қитъа биринчиликларида мамлакатимиз шаънига муносиб равишда иштирок этмоқдалар. Яқинда якунланган "Ягонасан, муқаддас Ватан" қўшиқлар танлови, ёшлар учун мўлжалланган "Ниҳол" мукофоти, Самарқанд шаҳрида ўтгинчи бор ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, "Келажак овози" ва бошқа бир қатор танловлар фикримизга далил бўла олади. Бугун спортчиларимиз 2012 йили Лондон шаҳрида ўтказиладиган XXX Олимпиада ўйинларига жиддий тайёргарлик кўришмоқда. У ерда янада юксак нитажаларга эришиш учун ҳамма асослар бор.

Қонунчилик палатаси депутатлари йиғилиш қатнашчиларининг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Йиғилишда Маданият ва спорт ишлари вазири А. Жабборов иштирок этди.

ТОШКЕНТ КУРАНТЛАРИ



Тошкент курантлари – вақтнинг овози,
Ҳар чорак соатда уриб турар занг.
Кунларнинг чолгуси, ойларнинг сози,
Ўзгача оҳанг бор, ўзгача жаранг.

Қум соат, сув соат, қуёш соат бор,
Кун ва ойга қараб вақт ўлчар одам.
Йўлдан асрларнинг карвони ўтар,
Юк ортади ҳаёт қадамма-қадам.

Соат ишлаши шарт аниқ, бекусур
Замондан орқада қолмаслик учун.
Улуғбек расади, зижи эмас сир,
Бизга қараб соат тўғрилар очун.

Минорада турган посбондир курант,
Вақтида қўнғироқ чалади ҳушёр.
Тошкент курантлари бўйлари баланд,
Юлдузларни санаб туради бедор.

Халқ билан ҳамнафас кечди йиллари,
Қайғу ва шодликни тенг кўрди баҳам.
Тўхтаб қолган эмиш курант миллари
Тошкентда зилзила бошланган маҳал.

Соат ҳам одамга ўхшаб чекар вам,
Соат ҳам йиғлайди одамга ўхшаб.
Соат ҳам одамдек тутади мотам,
Одамнинг ёнида туради қақшаб.

Юракда тулпордек дупурлар соат,
Соатдек югурар томирларда қон.
Соат бу – тириклик, соат бу – ҳаёт,
Соат бу – умрга суръат берган жон.

Иккита юракнинг муҳаббати – бахт,
Тошкентнинг бошида қўшалоқ курант
Ҳамоҳанг бонг урар, яшнайди пойтахт,
Ҳаёт бахш этади хуш соат, хуш вақт.

Оламда вақт эрур энг олий ҳакам,
Юлдузлар тақдирни қилур башорат.
Курант соатида ўн икки рақам
Абадий ҳаётга эрур ишорат.

Икки курант турар ёнма-ён, хушбахт,
Замин тимсоли бу, осмон тимсоли.
Замон ўтаверар, ўтаверар вақт,
Икки курант аро дарё мисоли.

09.09.2009 й. **Рустам МУСУРМОН**

Маданий ҳаёт

15-20 сентябр кунлари Туркманистонда ўзбек киносига бағишланган кунлар бўлиб ўтади. Унда миллий киносанъатимизнинг сара намуналари "Ўткан кунлар"(Й.Аъзамов), "Суюнчи" (М.Абзалов), "Йўл бўлсин" (Қ.Камолова), "18-квадрат" (Ж.Қосимов), "Чашма" (Ё.Тўйчиев), "Ўтов" (А.Шаҳобиддинов), "Осмондаги болалар" (З.Мусоқов) каби бадиий филмлар билан биргаликда бир қанча мултипликацион ва ҳужжатли филмлар ҳам намойиш этилади.

Қўшни туркман диёрида ўтказилаётган мазкур нуфузли тадбирда таниқли киноижодкорлар Жаҳонгир Қосимов, Қамара Камолова ва Мавзур Маҳмудовлар иштирок этадилар.

* * *

"Ўзбек миллий чолғу асбобларини ясаш ва таъмирлаш" деб номланган янги дарслик чоп этилди. Ўзбекистон Бадиий академияси буюртмаси билан босмага тайёрланган бу нашр республика бадиий касб-ҳунар коллежлари учун ўқув адабиёти бўлиб хизмат қилади. Тажрибали ўқитувчи Олимхўжа Мелихўжаев муаллифлигида чоп этилган мазкур дарсликда оркестр билан ижро этиладиган дутор чолғу асбоби ҳақида ҳам маълумот берилган.

А.АЛИЕВ

МУМТОЗ АДАБИЙ ТИЛИМИЗ

У қандай шаклланган эди?

***Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг "Тил ва эл" деб номланган илмий бадиасини ўқиш жараёнида муҳтарам адибимиз ўзбек мумтоз адабий тилининг кўп асрлик тарихий йўлини тадқиқ этиб, кўп хайрли ишни амалга оширганига амин бўлдим. Муаллиф мумтоз адабий тилимизнинг шаклланиш даврини "Билге ҳоқон ва Култегин" достонидан "Алп Эр Тўнга жангномаси"гача, "Қутадғу билиг", "Девону луғатит турк"дан Яссавий ҳикматларигача, Хоразмийнинг "Муҳаббатнома", Қутб Хоразмийнинг "Хусрав ва Ширин" достони, Сайфи Саройининг "Гулистон бит турки"сидан соҳибқирон Амир Темур даврига қадар ва ундан сўнг ҳам яратилган нодир асарлар мисолида тадқиқ этади. Адиб мумтоз адабий тилимизнинг кўп асрлик қарор топиш жараёнларини таҳлил этар экан, шу тилдаги илк манба-битиклар билан бирга ўтмишда бу тил амалда бўлган ҳудудлар жўғрофиясига ҳам катта аҳамият беради. Ўз илмий қарашларини бундан бир минг уч юз йил илгари ҳам амалда бўлган қадимги туркий ёзувнинг илк манбаларидан ҳисобланган Ўрхун ёдгорликлари, Мовароуннаҳр ва Хуросон, айни чоғда, Олтин Ўрда ҳудудида яратилган ва тил жиҳатидан муштараклик касб этган адабий асарлар орқали далиллайди.*

*Ушбу мақоламизда қадимда мумтоз адабий тилимиз шаклланган муштарак ҳудуднинг бир қисми бўлган Олтин Ўрда тарихи ва ундаги адабий жараёнларга назар солмоқчимиз.***

Орол денгизининг шимоли ва Тинчшон тоғининг ғарбий ён бағридан то Днепр дарёсининг қуйи оқимига қадар ёйилган даштлар XI — XV асрларда "Дашти Қипчоқ", деб аталган. Йирик туркий қабилалардан бўлган қипчоқлар XI аср бошларида Иртиш дарёси соҳилларидан ғарбга томон кўчиб, Хоразмнинг шимоли ва ҳозирги Қозоғистон ҳудудида, шунингдек, Итил (Волга) дарёси соҳилларида жойлашган.

Дашти қипчоқ аҳолиси Шарқ манбаларида — *половецлар*, Византия солномаларида — *куманлар*, венгер манбаларида *кунлар* деб аталган. Қипчоқ дашти шарқий ва ғарбий қисмдан иборат бўлиб, Ёйиқ дарёси уларни ажратиб турган. Ғарбий қисм Ёйиқ ва Итил (Волга) дарёсидан то Днепргача бўлган ҳудуддан иборат эди. XIII асрда Қипчоқ даштини мўғуллар босиб олиб, тарихда Жўчи улуси номи билан машҳур бўлган Олтин Ўрда давлатини барпо этганлар. Бу давлат Қорақурумдаги мўғул хонига қарам бўлиб, Ботунинг иниси Берка даврида мустақилликка эришади.

XIV аср бошларида ўзаро тахт талашишлар туфайли Жўчи улуси икки қисмга бўлиниб кетган. Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида Оқ Ўрда ташкил топди. XIV асрнинг 60-йилларида шарқий Дашти Қипчоқ "ўзбеклар мамлакати", унинг аҳолиси эса "ўзбеклар" деб атала бошлаган. XV асрнинг 20-йилларидан бошлаб шарқий Дашти Қипчоқда Абулхайрхон ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган. Дашти Қипчоқнинг асосий аҳолиси кўчманчи ва ярим ўтроқ бўлиб, чорвачилик ва овчилик билан, дарё ва кўл бўйларида яшаган аҳоли деҳқончилик билан, шаҳарлардаги аҳоли эса ҳунармандлик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган. Бу даврда халқ оғзаки ижоди, мусиқа, санъат ва меъморлик ривожланган.

Тарих ва тақдир

Олтин Ўрда пойтахти Ботухон даврида Итил (Волга) дарёсининг қуйи қисмидаги Сарой Боту шаҳри эди. Беркахон (1255 — 1266) даврида пойтахт соҳил бўйлаб юқорига — Сарой Беркага кўчирилади. Сарой Боту, Сарой Берка, Урганч, Судак, Қофа (Феодосия), Азақ (Азов) савдо марказлари эди.

Олтин Ўрда Жўчи ўғилларига қарашли ўн уч улусдан иборат эди. Улар ўз улусларини мустақил бошқаришга интилганлар. Бу ҳаракат Мангу Темур (1266 — 1282) вафотидан кейин янада кучаяди. Тўда Мангу (1282 — 1287), Талабуға (1287 — 1291) хонликлари даврида туманбеги Нўғайнинг нуфузи кўтарилади. Орадан беш йил ўтгач, яна исён кўтарилади. Унга Ўзбекхон (1290 — 1312) барҳам беради. Ўзбекхон ва унинг ворислари ҳукмронлик даври Олтин Ўрда ҳарбий салоҳиятининг энг кучайган пайти эди. Ўзбекхон даврида Олтин Ўрда қуролли кучлари 300 мингдан ошган. Улуслар вилоятларга айлантирилиб, улар амирлар томонидан бошқарилган, қурултойлар чақирилмай қўйган.

Давоми иккинчи саҳифада

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Таниқли рассом Вячеслав Усеинов ва уста Сирожиддин Раҳматуллаев бой маданий меросимизни дунёга танитишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлардан. В.Усеинов Олимпия ўйинларига бағишлаб Хитой Олимпия қўмитаси томонидан ўтказилган биринчи халқаро кўргазмада "Шойи ўрамлар топографияси" асари учун олтин медални қўлга киритган. Уста С.Раҳматуллаев эса шу йил Малайзияда ижодий сафарда бўлиб, санъат институтидаги ёш ҳамкасбларига ёғоч ўймакорлиги санъатидан сабоқ бериб қайтди.

Шунингдек, бу икки ижодкор йиллар давомидаги изланишлари билан ҳам эътибор топмоқда. Хусусан, В.Усеинов 1992 йили Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси кўргазмалар залида, 1994 йил Санкт-Петербургдаги "Борей-Арт" галереясида, 2000 йили Ўзбекистон давлат Санъат музейида ўзининг фотографик рангтасвир асарлари кўргазмасини ташкил этган. 2005 йили Тошкентда ўтказилган III халқаро расмлар биеннасида биринчи ўринга сазовор бўлган. Унинг асарлари фалсафий мазмунга эга. АҚШ, Франция, Италия, Япония, Австрия, Исроил каби давлатлар музейлари, галереялар ва хусусий коллекциялардан ўрин олган.

Тошкентлик ёғоч ўймакор уста С.Раҳматуллаев эса 1978 йилдан буён "Устозода" бирлашмасида фаолият юритиб келади. Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. "Ташаббус — 2000" республика кўрик-танлови ғолиби. У Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятларидаги тарихий ва маданий иншоотларнинг ёғоч ўймакорлиги ишларида сидқидилдан меҳнат қилган. Тошкент мактабига хос нозик ўйма ишларида бир қаватли ислимий услубдан фойдаланган бўлса, кейинчалик уни мукаммаллаштириб, икки-уч қаватли ислимий ўйма услубга ўтди. У ёғоч ўймакорлигига янги элементлар ва садаф билан ишлашни киритган. 2003 йили "Ўзбекистон халқ устаси" унвони билан тақдирланган.



Яқинда Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида рассом Вячеслав Усеинов ва уста Сирожиддин Раҳматуллаевларни тақдирлашга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. С.Раҳматуллаевга миннатдорлик тариқасида фахрий ёрлиқни Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчиси Абдул Азиз топшириб, келгусида ижодий ҳамкорлик алоқалари давом этажагини таъкидлади. В.Усеиновга олтин медални Хитойнинг Ўзбекистондаги элчиси Юй Хуньцзунь тантанали равишда топшириди.

Н.ИСМАТУЛЛАЕВА

Илм – ўзни билмакдир

МАЪНАВИЯТ — КОМИЛЛИК ЙЎЛИ

Маънавият халқимизнинг куч-қудрат манбаи, имон-эътиқоди бутунлиги, гўзал хулқи, мустаҳкам иродаси, ватанга бўлган муҳаббатидир. Парвардигори олам ўзининг илоҳий китобида: "Эй Муҳаммад, сени инсонларнинг хулқини гўзаллаштириш учун юбордим", деб бежиз айтмаган. Зеро, гўзал хулқли инсон қатрада уммонни кўради...

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобини ўқидиму фикру хаёлимни маънавият масалалари чулғаб олди. Китобда маънавиятнинг мазмун-моҳияти, уни шакллантирадиган асосий омиллар, маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг маънавий мезонлари, шунингдек, бугунги глобаллашув даврида маънавий оламимизни турли салбий таъсир ва таҳдидлардан асраш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммолар таҳлил ва талқин этилади. Китоб доирасида буюк аждодларимизнинг юксак маънавий меросини қадрлашдан тортиб, дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзича маъно топишга интиладиган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва ҳиссиётларига мос қўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқаришгача бўлган барча катта-кичик масалалар қаламга олинади.

Китобни қайта-қайта ўқидим ва ундан туғилган завқ, шавқ далдасида қўлимга қалам олишга жазм этдим.

Маълум эрмасму магар
ибрат сенга,
Сўз очар сўзни деган
ҳикмат сенга, —

деганлар Мавлоно Жалолиддин Румий. Ҳа, сўз сўзга йўл очади, фикр фикрни бошлаб келади... Инсон бу дунёда маънавиятли бўлиш учун яшайди. Маънавият — инсоннинг инсонлиги. Инсоннинг инсонлиги, аввало, ўз-ўзини, сўнгра дунёни ва ниҳоят, Яратганни танишда кўринади. Ана шу уч нуқта инсон маънавиятининг тамал тошидир, десам, хато бўлмаса керак. Маънавият иморати ана шу пойдевор устига қурилади. Бир шахснинг маънавияти ёки маънавиятсиз эканлиги ана шу мезон асосида маълум бўлади. Яъни, шахс ўзини чинакам инсон, зоти шариф сифатида танийдими? У ўзини қуршаб турган дунёнинг нечук бир макон эканлигини биладими? Ва ниҳоят, у бутун борлиқнинг эгаси бўлмиш Оллоҳни танийдими, унга бош эгадими?

"Биз одам наслини мукаррам қилиб яратдик", дейди Тангри ўзининг илоҳий каломида. Шахс ўзининг юриш-туриши, туриш-турмуши, амаллари билан ана шу мукаррамликка, буюкликка қанчалар муносиб? Шахс ўзининг яратувчиси бўлмиш Оллоҳ таолонинг қудрати ва азаматидан қанчалар огоҳ? Инсоннинг маънавияти муносиблик, ана шу хабардорлик, ва огоҳлик билан белгиланади. Ўзидан хабардор, дунёдан воқиф, Оллоҳдан огоҳ инсон ёвузликка бормайди. Нафси шайтонни хайдайди, сабри раҳмонни ёқлайди. Ўзига раво кўрмаганни бошқага раво кўрмайди. Чунки унинг кўксида ёвузликларга қарши қалқон — маънавияти бор.

Давоми иккинчи саҳифада.

МУМТОЗ АДАБИЙ ТИЛИМИЗ

У қандай шаклланган эди?

Тарих ва тақдир

Бошланиши биринчи саҳифада

1357 йили Жонибекнинг ўлдирилиши билан яна ички зиддиятлар юзага чиқади. 1380 йилгача йигирма беш марта хон алмашади. XIV асрнинг 60-йилларида Хоразмда Олтин Ўрдага бўйсунмаслик майллари кучаяди. Полша ва Литва Днепр дарёси ҳавзасини босиб олади. Ҳожитархон (Астрахан) хонлиги ташкил топади. Фақат Тўхтамиш даврига (1380 — 1395) келиб исёнлар тўхтайди. 1382 йили у Москвани эгаллаб, унга ўт қўйган. Тўхтамиш соҳибқирон Амир Темурга хиёнат қилиб, ҳукмдорнинг олис юртлардалигидан фойдаланиб, бир неча бор Мовароуннаҳр ҳудудига ҳам бостириб киради ва қочиб қолади. Бунга жавобан соҳибқирон Амир Темур 1389, 1391, 1395-1396 йилларда Тўхтамишга қарши юриш қилиб, Олтин Ўрдага жиддий зарбалар беради.

Тўхтамиш вафотидан кейин Олтин Ўрдада ҳокимият амалда ғайратли "сарой бошқарувчиси" Эдигей қўлига ўтади. Аммо 1419 йили Эдигей вафот этгач, ўзаро тахт талашишлар туфайли бу давлат аста-секин парчаланиб кетган. XV асрнинг 20-йилларида Сибир хонлиги, 40-йилда Нўғай Ўрда, 1438 йили Қозон хонлиги ташкил топади. 1480 йили Олтин Ўрда хони Аҳмад Русни бўйсундиришга уриниб, бунга эришолмайди. 1502 йили Қрим хони Менгли Гарой Олтин Ўрдани батамом тор-мор қилади.

Кўпгина тарихий манбаларда Олтин Ўрда мўғул давлати дейилган. Аслида эса бу давлат бошқаруви ва лашкарининг ўзагини қарлуқ, қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларида сўзлашувчи туркий қабилалар ташкил этган. Хоразмликлар саройдаги турли вазифаларда ва вилоятлар бошқарувида фаол иштирок этганлар. **Бу даврда Олтин Ўрдада адабий тил туркий тилнинг Чиғатой лаҳжаси эди.** Расмий ёзишмаларнинг катта қисми ана шу тилда уйғур имлосида битилган. Олтин Ўрда хонлари ҳам асосан шу тилда сўзлашганлар. Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута ўз хотираларида Ўзбекхон (1290 — 1312) ва Мовароуннаҳр ҳукмдори Тармаширин (1326 — 1334) туркий тилда сўзлаганларини ёзиб қолдирган. У Азақ (Азов) шаҳри ҳокими, амир Муҳаммад ҳожи Ал-Хоразмий билан ҳам учрашган.

Олтин Ўрда аҳолисининг ислом динини қабул қилишида Ўрта Осиёлик тасаввуф шайхларининг роли катта бўлган. Машҳур тасаввуф шайхи Занги Ота ўзининг шогирди Саид Отани шу мақсадда Олтин Ўрдага жўнатган. Ўзбекхон унинг ташвиқи билан ислом динини қабул қилган ва бу дин асосларини қаттиққўллик билан жорий этган. Бу ҳаракатга қаршилик қилган шаҳзода ва беклар қатл қилинган.

Мирзо Улуғбекнинг "Тарихи арбаъ улус" ("Тўрт улус тарихи") китобида қуйидагиларни ўқиймиз: "Султон Муҳаммад Ўзбекхон ўзининг эл-улуси билан илоҳий саодат ва фазилатга етишгач, ҳазрати Сайид Отанинг ғайб ишорати ва Оллоҳнинг инояти билан уларнинг барчасини Мовароуннаҳр диёри сари олиб келди. Ҳазрати Сайид Отага (унга Оллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин) қулоқ солишдан бўйин товлаганлар бу саодатдан бебаҳра ҳолда у ерда (Дашти Қипчоқда) қолдилар ва "қалмоқ" деган номга мансуб бўлдиларки, бунинг маъноси "қолган" демакдир. Ҳазрати Сайид Ота (унга Оллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин) ҳамда Султон Муҳаммад Ўзбекхон билан ҳамроҳликда Мовароуннаҳрга келган кишилардан: "Бу келган ким?" деб сўрардилар. Уларнинг сардори ва подшоҳи Ўзбекхон бўлгани учун уларни "ўзбек" деб атадилар. Шу сабабдан ўша замондан бошлаб Мовароуннаҳрга келган кишилар "ўзбек" деб атала бошланди. Дашти Қипчоқда қолиб кетган кишилар эса "қалмоқ" бўлдилар".

Бу даврда Марказий Осиёда яшаган аҳоли қабилалар номи билан ҳам, умуман "турк" деган ном билан ҳам аталган. XVI аср бошларида Шайбонийхон бошчилигидаги қавмларнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши билан маҳаллий аҳоли таркибида "ўзбек"ларнинг нуфузи янада ортган ва аста-секин бу ном туркий аҳолининг умумий номига айланган.

Таниқли рус олими, туркий халқлар тарихи бўйича йирик мутахассис Лев Гумилёв шундай ёзади: "Олтин Ўрдада ҳам этногенез жараёнлари борарди. Жўчи улусининг 20 минг мўғул аҳолиси уч ўрдага ёйилиб кетди: Ботухон авлодлари томонидан бошқарилаётган Волга бўйидаги Катта ёки Олтин Ўрдага; Ботухоннинг акаси Ўрда Иченга берилган Иртиш дарёси бўйидаги Оқ Ўрдага; Орол денгизидан Тюменга қадар ҳудудда кўчиб юрган Шайбанхоннинг Кўк Ўрдасига. Бундай тарқоқликдан кейин тез орада дезинтеграция ҳолати рўй берди. XIV аср бошларига келиб мўғуллар қипчоқлар билан шу даражада аралашиб кетдиларки, улардан фарқланмай қолдилар".

Аслида бу жараён анча илгари бошланган эди. X — XII асрларда Мўғулистон пасттекислигида яшаган аҳолининг тўртдан уч қисмини туркий қабилалар ташкил этган. Қиёт, қўнғирот, найман, барлос, манғит сингари уруғлар катта нуфузга эга бўлган. Қозоқ олимларининг фикрича, Чингизхон ҳам туркийлашган мўғул эди. У ҳам, ўғиллари ҳам асосан туркий тилда сўзлаганлар. Чингизхоннинг онаси ва катта хотини эса қўнғирот уруғидан бўлган. Анъанага кўра, ўғилларининг ҳам катта бекалари шу уруғдан танланган.

Ботухон юришидан кейин у билан бирга борган туркий қабилалар Дашти Қипчоқдаги яйловлардан макон топдилар ва маҳаллий қипчоқ қабилалари билан қўшилиб кетдилар. Саройдаги иш юритувчилар, мирзалар, лашкарбошиларнинг асосий қисми туркийлардан бўлган. Бу эса туркий тилни кенг муомала тилига айлантирган.

Таниқли рус тарихчиси А.П.-Григорьев бу ҳақда шундай ёзади: "Ўша пайтда (XIII — XIV а.) Олтин Ўрдада сўзлашув ва ёзув тили бўлган қипчоқ, яъни туркий тилни католик миссионер монахлар яхши билишарди... Маълумки, 1221 йилдаёқ доминикан монахлари Дашти Қипчоқда фаол иш олиб борардилар, 1228 йилда эса бу ерда ўзларининг епископликларини қурган эдилар. Маҳаллий туркий тилли аҳоли билан бевосита муомала монах-миссионерлардан туркий тилни билишни тақозо этарди. Олтин Ўрдада католик миссионер монахлар томонидан машҳур **"Кодекс куманикус"** — лотин-форс-қипчоқ тиллари луғати тузилган эди. 1303 йилда битилган бу асар кейинроқ Венецияда топилди".

Бу фикрга бироз аниқлик киритиш лозим бўлади. Гарчи, ўша пайтда сўзлашувда қипчоқ лаҳжаси қўлланган бўлса-да, расмий ёзишмалар ва адабий матнларда Чиғатой лаҳжаси, яъни эски ўзбек тили қўлланган. Бунга талайгина мисоллар бор. Олтин Ўрдада яшаб, ижод этган Қутб Хоразмий Низомийнинг "Хусрав ва Ширин" достонини форс тилидан таржима қилиб, Ўзбекхоннинг ўғли Тинибекка бағишлайди. Бошқа бир Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" достони эса Олтин Ўрда хони Жонибекнинг яқин одамларидан Муҳаммад Хўжабекнинг таклифи билан 1353 йили ёзилган. Достонда айтилишича, у "туркий тилда бир китоб ёзиб беришни" илтимос қилган. Сайфи Саройининг "Гулистон" битти-туркий" (1391) асари ҳам шу даврда яратилган. У маҳаллий ҳукмдорлар ва зодагонлар илтимосига кўра Саъдийнинг "Гулистон" асарини шу ном билан туркий тилга таржима қилган. Сарой шаҳрида, бир муддат Мисрда ҳам яшаган Сайфи Саройи 1394 йили "Сухайл ва Гулдурсун" номли достон ҳам ёзган. 1966 йилда чоп этилган "Ўзбек адабиёти" хрестоматиясининг 5-жилдида Сайфи Саройи, Хоразмий ва Аҳмадхўжа Ас-Саройи ижодидан намуналар берилган. Бу асарлар худди бугунги ўзбек тилида ёзилганга ўхшайди. Мана баъзи мисоллар:

Ул юзи ойким, жаҳоннинг жонидур,
Бу замона хўбларининг хонидур.

Ёсамин тан, қомати сарви равон,
Зулфи жаннат боғининг райҳонидур.

Ғамзасининг олтина олам асир,
Кўзлари даври қамар фаттонидур...

* * *

Дилбаримнинг ул садафтек оғзида
дур бор эрур,
Лаълининг шавқинда тун-кун
дийдалар дурбор эрур.

Зулфи сунбултек, бўйи сарв,
энглари гулзор эрур,
Юзини кўрмакка бир дам булбулу
гул зор эрур.

Ўша даврда Олтин Ўрда ва Миср давлати ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Қора денгиз ва қуруқлик орқали савдо-сотиқ ва борди-келдилар йўлга қўйилган. Чунки Миср ҳукмдорлари бўлган Баҳрийлар сулоласи (1250 — 1390) вакиллари Дашти Қипчоқдан чиққан туркийлардан эди. 1398 йили Абдул ибн Қодир исмли шахс Олтин Ўрдалик бир гуруҳ туркийзабон шоирлар шеърларини Мисрда китобат қилган. Бу воқеа Мисрдаги сарой доираларида ҳам туркий тилли адабиёт мухлислари бўлганидан далолат беради.

Олтин Ўрдада вужудга келган адабий анъаналар то XX асрнинг бошларига қадар давом этган. Таниқли рус тилшунос олими Олег Мудрак бу ҳақда шундай деб ёзади: "Волгабўйи ҳудудида XX асрнинг 20-йилларига қадар Чиғатой лаҳжаси асосида шаклланган адабий тил — "Волгабўйи туркийси" амалда эди. Чиғатой тили — Чиғатой улуси, яъни ҳозирги Ўрта Осиёнинг тилидир. Бу туркий халқнинг, унинг авлоди бўлган ўзбек халқининг тилидир".

Чиндан ҳам асримиз бошларида ижод қилган татар ва бошқирд шоирларининг шеърларини ўқисангиз, луғатсиз тушунасиз. Бир татар дўстимиз "Бу шеърлар татар тилидан кўра ўзбек тилига яқинроқ", дейди. Бу бежиз эмас. Чунки Волгабўйи аҳолисининг адабий тили ҳам, ҳозирги ўзбек тили ҳам туркий тилнинг қарлуқ гуруҳига оид Чиғатой лаҳжаси заминида шаклланган.

Тилшунос олимларнинг фикрига кўра, туркий тиллар эрамизнинг IV асрида уч гуруҳга бўлинган ҳамда қарлуқ, қипчоқ, ўғуз гуруҳлари вужудга келган. Булар орасида энг қадимги ёзув тили қарлуқ гуруҳи заминида шаклланган эски ўзбек тилидир. Қадимдан шу тарзда шаклланиб келган бу тил Чингизхоннинг фарзанди Чиғатойга улус қилиб берилган ҳудудда аввалдан кенг муомалада бўлиб келган бўлсада, Чиғатой ҳукмронлиги даврида Чиғатой тили деб номланган, холос. Тарихда энг кўп адабий ва илмий асарлар ҳам шу тилда ижод қилинган. Лутфий, Саккокий, Навоий, Бобур сингари сўз усталари ижоди билан бу тил янада сайқалланган.

Таниқли турк адабиётшунос олими Аҳмад Бижан Эржиласун туркий тиллар тарихи ҳақида шундай деб ёзади: "Турк тили XIII асрдан кейин икки ёзув тили сифатида давом этди. Бири Шимоли-шарқда, бугунги Туркистон ва Эдил-Урал ҳудудида Чиғатой туркчаси сифатида ҳамда Анатолия ва Озарбайжонда Ғарб туркчаси сифатида XIX асргача келди. Аммо биздаги турклар Навоийни қўйдилар ва тушундилар. Навоийни тўлароқ тушуниш учун "Абушқа" деган луғат туздилар. Ҳатто Навоийга Чиғатой туркчасида назиралар ёздилар. Анадолу шоирларининг асарларини эса улар ўқидилар. Бизнинг катта шаҳарларимизда, хусусан Истанбулда Навоийнинг бир олам қўлёзмалари бор".

Хулоса қилиб айтганда, Олтин Ўрданинг расмий ва адабий тили турк тилининг Чиғатой лаҳжаси, яъни ўзбек мумтоз адабий тили бўлган. Қолаверса, Марказий Осиё билан Дашти Қипчоқ туркий халқлар яшайдиган ҳудуд сифатида асрлар давомида узвий алоқада бўлиб келган, ўзаро сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлар узлуксиз давом этган. Ва бунда, сўзсиз, муштарак тагзаминда шаклланиб борган ўзбек мумтоз адабий тилимиз алоҳида аҳамият касб этган.

Носир МУҲАММАД

МАЪНАВИЯТ — КОМИЛЛИК ЙЎЛИ

Маънавият сабоқлари

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бир донишманд айтганидек, оламдан мақсад — одам, одамдан мақсад — Худо, яъни, Худони таниш, Худони танишдан мақсад — камолот, камолотнинг эса чек-чегараси йўқ. Шу маънода, юксак маънавият — инсоннинг камолот йўлидир, десак, тўғри бўлади.

Китобда Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби азиз авлиёларимиз, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Бурҳониддин Марғиноний, Мирзо Улуғбек каби олиму алломаларимизнинг маънавий бисоти ҳақида меҳру ифтихор ила сўз юритилади. Шу ўринда бир нарса хотирага тушади. Абу Райҳон Беруний паймонаси тўлиб, ўлим тўшагида ётганда бир илмий муаммо устида бош қотиради. Устоз, шу аҳволда муаммони ўйлайсизми, деган шогирдларига, шу муаммони ечиб ўлмоқчиман, дейди у... Мана сизга маънавий ибрат!

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмаслиги, бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси эканлиги китобда алоҳида таъкидланади. Дарвоқе, ҳамма нарса таълиму тарбияга ва унинг маҳсули бўлмиш маърифат ва маънавиятга боғлиқ. Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касблар ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир, деган сўзларни ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. Ҳар сафар шу сатрларни ўқисам, хаёлимга, инсоният кашф этган энг буюк мўъжизалардан бири — китобдир, деган фикр келади.

Китоб ва китобхонлик — маънавият мезони ва унинг сарчашмасидир. Ҳозир техника тараққиёти асрида китоб ва китобхонлик, менинг назаримда, жамият ҳаётидан бир қадар четга сурилгандек. Ёшларимиз кўпроқ телевизор ва компютер билан ўралашиб қолишаяпти. Бу реал воқелик, ундан қочиб қутилиб бўлмайди. Мен техника фанлари мутахассиси сифатида ёшларни тушунаман ва қўллаб-қувватлайман. Замонавий техникани эгалламасдан туриб тараққиётга эришиб бўлмайди. Аммо ёш авлодга тушунтириш керак: телевизор ва компютер ҳеч қачон китоб ўрнини боса олмайди. Компютер — ахборот воситаси, китоб — тафаккур манбаи, ақлнинг қайроғи. Ана шу нуқтага алоҳида эътибор қилиш даркор. Китоб ўқиркансиз, муаллиф билан баробар фикрлайсиз, телевизор қаршисида эса — кўпроқ томошабин бўлиб қоласиз... Мен баъзида инсонлар телевизор ёки компютер орқали ҳар куни ҳалокату фалокатларни томоша қилавериб, шунга кўникиб, охир-оқибат ёппасига лоқайд ва бепарво томошабинларга айланиб қолишмасмикан, деган хавотирга бораман... Китобда ана шундайлар ҳақида машҳур бир файласуфнинг фикри келтирилади:

"Душманлардан қўрқма, нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма, нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ, улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам. Фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади...". Шуни тўла ишонч билан айтишим мумкинки, китобхон киши инсонни тушунади ва унга ҳамдард бўлади, бефарқ бўлолмайди. Шу маънода мен ёшларимизни кўпроқ бадиий адабиёт ўқишга даъват этган бўлардим. Негаки, адабиёт — маънавият фани, одамни, оламни, Оллоҳни таниш дарсхонаси. Рости гап, Навоий ва Бобурни билмаган, Аттор ва Румийни, Шекспир ва Бальзакни, Толстой ва Достоевскийни ўқимаган кишини маънавиятли дейишга тил бормайди.

Китобда дину диёнат ва оилага бағишланган саҳифалар катта қизиқиш ва иштиёқ ила ўқилади. Дину диёнат ва оила — биз учун муқаддас тушунчалар. Уларсиз маънавият йўқ. Бири — маънавият устуни, бири — унинг бешиги. Дину диёнатга муҳаббат — жонимизда, оилага садоқат — қонимизда, фақат унутмаслик керак, асл ислом бошқаю фанатизм, мутаассиблик бошқа нарса. Бу ҳақда китобда қуйма фикрлар бор. Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, аввал ақл, кейин дин. Ақли йўқнинг дини йўқ, дейишлар ҳазрати пайғамбаримиз. Ақл — Оллоҳ таолонинг ер юзасидаги тарозисидир. Ҳамма нарсани ана шу тарозида тортиб, баҳолаш лозим. Бир соатлик тафаккур етмиш йиллик ибодатдан афзал, деган ҳадис бекорга айтилмаган. Ҳамиша ва ҳамма жойда ақлга суяниб иш тутиш — Оллоҳнинг буйруғи... Билим эса — ақлнинг чироғидир.

Оила — жамиятнинг пойдевори деб таъкидланади китобда. Оила соғлом бўлса, жамият ҳам соғу саломат. Ғўзал ахлоқ, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, одоб, андиша, ҳаё, ибо каби тушунчалар оила қўйнида шаклланади. Оиласи борнинг бахти бор. Қариси бор уйнинг фариштаси бор. Мен бир даврада эшитганим шу рубоийни ҳамиша такрорлаб юраман:

Қарияларга тараҳҳум айла, жой бер,
Тавозу кўрсатиб, илкига чой бер.
Дуогўй кексаларнинг ол дуосин,
Назокат бирла хулқингга чирой бер...

"Юксак маънавият — енгилмас куч" китобининг сўнгги тўртинчи боби "Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори" деб аталади ва у икки қисмдан иборат: "Инсон қалбига йўл" ҳамда "Энг буюк жасорат". Шу бобни такрор-такрор ўқиса, арзийди. Гап инсон қалби устида бораяпти. Мен икки жаҳонни биргина кўнгил учун яратдим, дейди парвардигор. Дил — назаргоҳи ҳақ, дейди машойихлар.

Кимки бир кўнгли бузуқнинг
хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон
бўлса, обод айлагай, —

демишлар Мир Алишер Навоий. Инсон қалби шу қадар азиз ва мўътабар. Хўш, ана шу қутлуғ даргоҳга қандай кирилади? Китобда бу саволга аниқ жавоб берилган: "Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл, аввало, таълим-тарбиядан бошланади". Кўриб турганимиздек, яна урғу таълим-тарбияга берилаяпти, яъни, маърифату маънавиятга. Ва ана шу мушоҳаданинг мантиқий давоми ўлароқ, бу ёруғ оламда энг буюк жасорат — маънавий жасорат, деган фикр олға суриладики, бу айни ҳикматдир. Миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётида маънавий жасорат деб аташга арзигулик китоблар озми? Ёшларимиз уларни ўқиши, мағзини чақиши керак.

"Ўзбек халқи дунё майдонида куни кеча тасодифан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Биз — бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворисларимиз" дейилади китоб сўнгида. Бу ҳамма жойда шиор қилиб ёзиб қўйилса, арзигулик гап. Эндиги вазифа ана шу буюк меросни ўқиб ўрганиш, уни юракларга сингдиришдан иборат.

Юксак маънавиятимиз қиёфамизда барқ уриб турсин. Асл инсонийлик нишонаси бўлмиш бу олий фазилат ғўзал одоб-ахлоқимиз, шарқона назокатимиз, илм-фанга чанқоқлигимиз, ҳалол меҳнат билан яшашга иштиёқимиз, меҳру мурувватимиз, инсофу адолатимиз, ғайрат-шижоатимизда ҳамиша намоён бўлсин.

Неъмат ТАШЛАНОВ,
техника фанлари доктори,
профессор

Андижон

СЎЗДАГИ СИЙРАТ — СЎЗДАГИ ҚУДРАТ

Маънавият сабоқлари

Яхши сўзга, тиниқ туйғуга, илму ҳикматга рўбарў келган иймонли одам ўз қалбини тафаккур тиғида ўзи тилиб юборади. Алалхусус, гулнинг кўплиги кўзга зиён қилмагани каби, дардга малҳам сўзнинг кўнгил учун ортиқчалиги йўқ. Аксинча, бундай сўзлар кўнгил кўзини очади. Инсон эса қалб кўзи билан оламни кенгроқ кўради, уни ўзгача тасаввур қилади.

Шу боис миллат дардига малҳам бўлишни истаган ижодкор уйғотгувчи насимдек ҳамиша бедор бўлади. Юртбошимиз бежизга: «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» мавзусида мустақил юрт ижодкорларига мурожаат қилганлари йўқ. Чунки халқ ҳамиша ўз ижокорларини яхши кўрган, эъзозлаган, улардан тўғри сўз кутган ва уларнинг сўзига ишонган.

— Истеъдод инсонга ўзини эмас, ўзгаларни бахтиёр этмак учун берилади, — дейди Абдураҳмон Жомий. Шукурким, бетакрор диёримизда беназир истеъдод соҳиблари азал-азалдан кўп бўлган. Қайси соҳани олманг, дунё аҳлининг эъзозу эътирофида бўлган ўнлаб бобокалонларимизнинг, пиру комилларимизнинг номларини тилга олиш мумкин. Лекин эндиликда мақсад фақат фахру ифтихор эмас. Менинг ўрним, менинг ҳиссам, менинг масъулиятим қаерда, нимада деган ўй бизни безовта қилиб туриши керак. Қолаверса, мустақиллигимизнинг 18 йиллик балоғат поғонасига бир ҳатлаб етганимиз йўқ. Курашлар, оғриқлар, азоблар, қурбонлар эвазига етдик.

Савол туғилиши табиий. Бугун озодлик оромидан баҳра олаётган ижодкорларимизнинг орзу-хаёли нимада? Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи йўлида ижод аҳли ҳамдард, ҳамфикр, яқдилми? Бу эзгу ишда уларга нима тўсиқ бўляпти? Оғриқ нуқталари нимада?

Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш, миллий адабиётимизни ривожлантириш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан танишган ҳар қандай инсон юрт эгасининг тийрак нигоҳига, бизнинг дилимиздан ўтиб турган ўй-хаёлларни тўғри ҳис қилиб турганига тан бермай иложи йўқ.

Ҳурматли ижодкорларимизга ушбу фикрлар ёд бўлиб кетган бўлса ҳам, аммо ўзингга кўрсатилаётган эътибордан қўксинг тоғдек кўтарилади. «Бизнинг бу борадаги барча саъй-ҳаракатларимиз, аввало, Ёзувчилар уюшмасидаги муҳитни яхшилаш, уни мавжуд оғир вазиятдан чиқаришдек муҳим масалани ҳал қилишга қаратилиши зарур. Бу борада уюшма аъзолари, шоир ва адибларимизнинг ўзлари нима иш қилиши, айни пайтда давлат, ҳукумат, Президент томонидан қандай ёрдам бериши кераклигини аниқлаб олишимиз лозим».

Биздан талаб қилинадигани, аввало, ижтимоий фаоллик. Яхши ниятдан хуш фикр туғилади, эзгулик эзгуликка йўл очади. Озод ва обод Ватаннинг қадрига, энг аввало, эл-юртнинг зиёлилари етмоғи керак. Сўз айтмоққа чоғланган қалам соҳиби дунё зийнатига эмас, олам ҳикматига суянмоғи лозим. Демак асрлар оша илму ҳикмат, эзгулик, меҳру маърифат яшаб келаётган экан, биздан келгуси авлодларга қоладигани ҳам ана шу. Бунинг учун эса юртнинг шоир ва ёзувчиси тинчлик, дўстлик, биродарлик жарчисига айланмоғи, Ватан қадрига қалқон бўлмоғи, фидойи оқимнинг олдинги сафида юрмоғи, дилларда ишонч ва меҳру муҳаббат уйғотмоғи, муҳими, оғоҳ бўлмоғи лозим.

Огоҳлик барча-барча учун, шу Ватан ҳавосидан, сувидан, нону тузидан баҳраманд бўлаётган, айниқса, тинчлик аталмиш улуғ неъматидан ҳузур топаётган одамлар учун зарур. Уларнинг олдинги сафида эса таъкидлаганимиздек, элнинг шоир ва адиблари бўлмоғи шарт. Шу ўринда Румий ҳазратларининг қуйидаги сўзлари биз қалам аҳлига айтилгандек:

— *Мақсад — инсон. Лекин ҳар қандай, ҳар нечук инсон эмас. Ёлғиз ўз манфаати ва эҳтиёжи билан банд бўлган, тирикчилик ташвишларидан зир югурib, улардан баланд кўтарила олмаган кимса ўз инсоний моҳиятини англаш йўлида ўзига парда бўлади. Эсланг: (сен ҳамма нарсани унутишинг мумкин, ёлғиз бир нарсани — нечун дунёга келгансен, шуни унутмасанг бас, ўзингни арзон сотмайсен, илло бахтинг баланд!)*

Ижодкорнинг бахти элнинг эътирофида. Албатта, одамларга рўбарў келмай, эл-юртнинг яхши-ёмон кунига аралашмай, хилватнишин бўлиб ҳам жилд-жилд асарлар ёзиш мумкин. Аммо оддий меҳнаткаш халқ ўзи суйган шоир ва ёзувчисини кўришни, унинг овозини эшитишни истайди. Қолаверса, қоғоздан бошингни кўтариб, одамлар кўзига қараб шеър ўқишнинг ҳам ўз гашти бор. Элинг сени хушлаб турса, аввало, дуоси ёр бўлади. Одамларнинг кўзидан кўзингга, юзидан юзингга, дилларидан дилингга ўтган нур сени балқитади. Сен улар меҳрининг оғушида яйрайсан. Ўқувчи кўнглини топиш изингга ёқилган ҳавас чироғидир. «Умрингдан барака топ», деса, сени шоир қилиб яратган эгамга шукрона айтасан. Шукурли одамларнинг эса ишида кушойиш бор.

Шунданми, юртбошимиз суҳбатининг бошидан поёнигача ижод аҳлини эл ичига чорловчи даъват бор. Келинг, шу ўринда биз ижодкорлар ҳам ўзимизга бир танқидий назар билан қарайлик. Одатда бизлар кўпинча ғалвир сувдан кўтарилганда, улкан-улкан хирмонлар яратиб бўлинганда, ғолиблар олдинги сафга ўтганда, ғалла байрами, пахта байрами нишонланаётган кезларда даврага кўр тўкиб кириб борамиз. Ер эгасининг, мулк эгасининг шаънига ҳамду санолар ёғдириб, иккита шеър ўқиб берамиз-да, шу билан зиммамиздаги вазифани ўринлатиб қўйган бўлиб, яна даврадан хушҳол чиқиб кетамиз.

Хўш, ғаллакор, пахтакор, соҳибкор, чорвадор ёки машҳур тадбиркор шу кунга етиб келгунча бошидан нималарни кечирди? ғалла, пахта экиш учун тайёрланаётган қора шудгорнинг тепасида турганмизми? Қатқалоқ нима, шўр нима, ғаллага тушаётган занг, пахтадаги кўсак қурти, ўргимчак кана нима?.. Уларга қарши курашаётганда оҳи оламни ўртаб турганларнинг чеҳрасига боққанмизми? Бир бошоқдаги донни, бир туп ғўзадаги шонани деҳқон билан санашиб кўрганмизми? Умуман, катта хирмонга етиб келгунча, пахтакору ғаллакорларнинг юзларига табассум ёйилгунча ўтадиган йўл нималигини биламизми?

Кўпинча бу саволларни ўзимизга бермаймиздa, «мен ижодкорман», деган иддаони баланд овозда айтишни хуш кўрамиз.

Устоз Абдулла Ориповнинг «Олтин балиқча» шеъридаги дард оқил одам дилини ўртаб юборади. Зеро, остона хатлаб кўчага чиқолмаган инсон тўрт девор ичида бу оламни ўзи хоҳлаганча тасаввур қилаверади. Юртбошимиз мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ отабоболаримизни бутун дунё билишини, уларни илм аҳли ўртасда, қадри, ўрни борлигини, авлодлар ҳам аждодларига муносиб бўлиши кераклигини кўп бор таъкидлайдилар.

Мазкур суҳбатда ҳам ўзбек адабиёти дунёга қандай чиқмоғи керак, деган савол бор. Биз дунё адибларини ўқишимиз учун Президентимизнинг ўзлари «Жаҳон адабиёти» журналини очиб бердилар. Журнал чоп этилаётгандан буён дунёга машҳур неча ўнлаб шоир ва ёзувчиларнинг асарлари таржима қилиняпти. Бундан барча мамнун.

Биз дунёга қандай чиқмоғимиз керак? Барча ижодкорлар тан оладиган таржима мактабини ярата оламизми ёки бир-биримизга ҳамду сано айтиб ўтираверамизми? Савол аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатга тик боқадиган пайт келди. Албатта, бу ўринда маълум таклифлар билдириляпти. Аммо ташвишга солаётган жиҳати шундаки, таржима масаласида ҳам китоб чоп этишдаги хатога йўл қўймаслигимиз зарур. Демоқчиманки, ҳозир маблағи бор одам китобини истаган шаклда, тўғрироғи, ташқи қиёфасини олий даражада чиқариш имкониятига эга. Асарлар таржимасида ҳам шу тарика йўл тутилса дунё ҳамжамияти олдида юзимиз шувут бўлиб қолиши табиий.

Таклифим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги таржима кенгашининг тавсияси билан миллатга юз бўладиган, халққа ғурур, Ватанга шуҳрат келтирадиган асарлар таржима қилиниши керак.

Миллий университетнинг филология факультетида ўқиб юрган кезларда биз талабалар қозоқ, туркман, тожик, авар, рус, қирғиз шоир ва ёзувчиларининг ижодини кузатиб борар, шеърларини ёд ўқирдик. Адабиётимиз дарғалари Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия каби улуғ ёзувчи, шоирларимизнинг Мирзо Турсунзода, Собит Муқанов, Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Константин Симонов сингари ўнлаб адиблар билан дўстона алоқаларига, бири бирига меҳмон, бири бирига мезбонлигига ҳавас қилардик. Зеро, қайси тилда бўлишидан қатъий назар, адабиётдан сўз очилса, шеър ўқилса, қўшиқ тингланса, диллар дилга оқар сувдек йўл топади. Шу нуқтаи назардан қардош адабиётлар билан алоқаларни кучайтириш бугун Ёзувчилар уюшмасининг кун тартибидаги масалалардан бири бўлмоғи керак.

Аслида, ҳар дарёнинг аввали ирмоқлардан бошланади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ирмоқлари эса вилоятлардан, вилоятлардаги туман ва шаҳарлардан бошланади. Чунки республикамизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳали азим пойтахт Тошкентни қўя турайлик, ўз вилояти марказини ҳам кўрмаган, аммо дилбар шеърлар битиб, яқинларига ўқиб бериб, хуш ниятда энтикиб юрган талай-талай ўғил-қизларимиз бор.

Уларнинг қўлидан тутмоқ, машқий битиклари юзидаги ғуборларни артмоқ, қалбларида ишонч чироқларини ёқмоқ учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимларининг ишини ҳам тубдан қайта қурмоқ зарур. Зотан, бўлимдаги биргина масъул котиб штати билан бутун вилоят бўйлаб кўзланган мақсадга эришиш мушкул.

Аввало шуни комил ишонч билан айтамизки, Президентимизнинг бу жонбахш суҳбатлари уюшманинг вилоят бўлимлари раҳбарларини беҳад қувонтирди. Чунки Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш вилоят бўлимларидан бошланса, шубҳасиз, муаммоларнинг илк тугуни ечилгай. Биз эса бундан умидвормиз.

Энг муҳими, ота-боболаримиз орзу қилган ҳур замон бизники. Йилнинг тўрт фасли ҳам тўкис юз очгувчи жаннатий диёр бизники. Биз ориятли, оқибатли, заҳматкаш халқнинг қуйчиларимиз. Оқибатли халқнинг шоиру адиблари эса сўз айтмоққа чоғланганда, қадр қайғусидан қалам йўниб, эли орини оқ қоғоз қилгайларки, иншоаллоҳ, тоабад унга доғ тушмагай.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

СУРАТДА: Замонавий қишлоқ уйлари. «Ўзэкспомарказ» кўргазмасида

Шарифа САЛИМОВА

ВАТАН СУВРАТИ

Истиқлолимизнинг 18 йиллигига бағишлов

1

Ватан асли нимадир,
Сувратини ким чизган,
Ватан исмин дур каби
Бир шодага ким тизган?
Ватан асли нимадир,
Унда нега титрар жон.
Бир ҳовуч туфроғи-чун
Берсанг арзийди жаҳон.
Ватан асли нимадир,
У она алласими?
Она сутими ёхуд
Жоннинг бир палласими?
Нега олис жаннатлар
Бир янтоқча бўлмайди,
Нега Ватан бўлмаса
Кўнгил сира тўлмайди?
Нега олисда юрак
Гул мисоли сўлади,
Зар-ла тўлмаган кўнгил
Ватан билан тўлади.
У қандайин маъводир
Аллоҳ айлаган эҳсон,
Айтинг, Ватан сувратин
Қандай чизай, онажон?

2

Авесто битиклари
Тарихлардан сўйлайди,
Дунё тарих хотирин
Оппоқ ундек элайди.
Ойнинг нури оламни
Кумуш зарга белайди,
Қалдирғоч валфажрида
Ватан, не деб сўрайди.
Ватан, сен менинг жоним,
Номус ила оримсан.
Ватан деб суйиб айтган
Менинг хуш каломимсан.
Эзгу фикрат, эзгу сўз
Авестонинг жонидир,
Эзгу амал — ҳақиқат
Унинг устухонидир.
Авесто Ватанимнинг
Энг қадим каломидир,
Хоразм туфроғидан
Аждодлар саломидир.
Бетакрор тарихимиз,
Ўзбек деган номидир.
Уч минг йиллар аввали
Қолдирган девонидир.
Ватан, сен менинг асли
Осмондаги ойимсан,
Бошимдаги тожиму
Бахт қуши — ҳумойимсан.
Тўмарис она сени
Ғанимларга бермади,
Ўғлим деб титрадию
Ўлиб туриб ўлмади.
Мешдан қон ичган ғаним
Қонга сира тўймади,
Қаҳқаҳа урди Широқ...
Ватанфуруш бўлмади.
Сор лочинлар онаси —
Менинг мушфиқ жонимсан,
Ватан, сен саждагоҳим,
Номус ила оримсан.
От чопса гумбурлайди
Тоғу тошнинг дараси,
Алпомишнинг қўлида
Камонларнинг сараси.
Ойбарчиндек барнони
Туққан ўзбек онаси.
Қўкаманга бош эгмас
Тоғнинг алвон лоласи.
Душман кўксига тизза
Тираган камонимсан,
Тойчахонни танг қилган
Ориятли хонимсан.
Ал Беруний фикрати
Лол қолдирмиш дунёни,
Ибн Сино қолдирмиш
Шифо отлиғ дарёни.
Улуғбек юлдузлари
Қоплаб олмиш самони,
У ҳамон ҳайратларга
Солиб турар дунёни.
Ватан, сен саждагоҳим,
Номус ила оримсан.
Фарзанди юлдуз бўлган
Юлдузли диёримсан.
Нил дарёси тошганда
Кўз ёшлар кўлоб эди,
Халқ кўксида оҳу зор
Ечилмас азоб эди.
Лек Фарғоний қўлида
Илоҳий ҳисоб эди.
Дарёга жилов солган
Тафаккурдан боб эди.
Дунё токчасидаги
Нурафшон жавонимсан.
Ал Хоразмий мактаби —
Ал жабрдек конимсан.
Қанча қирғин, қанча қон,
Бу туфроқ талош бўлди.
Искандар, араб, мўғул
Саноқ ҳам одош бўлди.
Талофат кўрди Ватан,
Ғаним кўкси тош бўлди.
Ватан, деб қалқди юрак,
Иймон унга бош бўлди.
Чингизларга юрагин
Бермаган арслонимсан.
Темур бобомсан — улуғ
Соҳибқиронимсан.
Жалолиддин тулпорин
Туёқларин сув ўпди,
Амударё кўксида
Балки қиёмат қўпди.
Волидаю суйгани
Худди тош каби чўкди.
Ватан, сен кўзда ёшим,
Номус ила оримсан.
Чингиз армони бўлган
Бўғзимдаги зоримсан.
Мир Алишер Навоий
Шеър аро султон эди,
Лек Ватан азобидан
Бағри лахта қон эди.
Занжирбанд шер эди ул,
Енгмоғи гумон эди.
Лек Ватан саодати
Буюк имтиҳон эди.
Шул буюк синовларни
Енгган олтин торимсан,
Навоий отлиғ қуёш —
Мангулик баҳоримсан.
Ҳиндистон... Тожимаҳал
Қаршисида лол турдим,
Хаёлимда шоҳ Бобур
Руҳини бедор кўрдим.
Анда жоним, деди ул,
Ишқни устувор кўрдим.
У Ватан меҳри эди,
Унга мангу зор кўрдим.
Ватан, сен чўққиларда
Асрий ётган қоримсан.
Бобуру Фурқат каби
Армондан туморимсан.

3

Увайсий чеккан ғамлар
Қўкларда булут бўлди,
Ўтмишда аёлларнинг
Ўрни хўб унут бўлди.
Робианинг севгиси
Фиғон бўлди, дуд бўлди.
Зебуннисодек малак
Ёлғизликда хит бўлди.
Ватан — онам тимсоли,
Гўзал Бибихонимсан,
Қотил тиғидаги оҳ —
Мушфиқ Моҳларойимсан.
Неча замон, неча вақт
Осмонинг яширдилар,
Неча имкон, неча тахт
Исломинг яширдилар.
Қадрингни яширдилар,
Меҳмонинг яширдилар.
Дину қадриятларинг,
Армонинг яширдилар.
Туфроғингдаги гавҳар,
Уммонинг яширдилар.
Улуғ Усмонли қуръон —
Каломинг яширдилар.
Бари ўзингга қайтди,
Не бахт, яна боримсан.
Ал Бухорий яратган
Саҳиҳи Бухоримсан.

4

Ватан асли нимадир
Сувратини чизган ким?
Бугун мен ўз қалбимга
Рўбарў бўлган куним.
Ўтмишда қолди алам,
Қолди ўтмишда зорлар.
Мангу завол билмагин
Ҳурлик берган баҳорлар.
Истиқлол! Сени қутдик,
Қутди сени кекса-ёш.
Қутди Муқанналаринг,
Даҳоларинг, қўп сафдош.
Улар зор бўлиб қутди,
Қуёшга юз тутмади.
Бу кунларга ким етди,
Эвоҳ, кимлар етмади.
Истиқлол — эл баҳори,
Дилларга солди сурон.
У билан бирга қайтди,
Тилу дину ва иймон.
У билан унут қабр,
Унут хотирлар қайтди.
Ўз исмини унутган
Эл ботирлари қайтди.
У билан йўллар қайтди,
Қайтди мовий қасрлар.
У билан бирга қайтди
Унут бўлган асрлар.
У билан қайтди дунё,
Ҳур бўлди юрт туфроғи.
Дунё узра ҳилпирар
Бугун юртим байроғи.
Эзгу амал, эзгу сўз,
Эзгу ҳақиқат қайтди.
Етти иқлим аҳлига
Ватан ўз сўзин айтди:
— Оқаверсин дарёлар,
Гуллар сира сўлмасин.
Гулдек гўдаклар кўзи
Бевақт ёшга тўлмасин.
Бани башар — бу олам
Кўрмасин сира завол.
Юрт бағрида абадий
Яшнайверсин Истиқлол!
Ватан, сен саждагоҳим,
Номус ила оримсан.
Бошимдаги тожиму
Бахт қуши — ҳумойимсан!

Абдулла АЙИЗОВ

ФАИС

Раиснинг кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолганига ҳам анча бўлди. Дўхтирлар уйига келиб ҳам, шифохонага ётқизиб ҳам муолажа қилишди, лекин аниқ ташхис айтишмайди. Олдинлари «Ҳечқиси йўқ, ҳали отдай бўлиб кетасиз», деб кўнглини кўтаришарди. Энди эса улар ҳам бу хонадондан аста-секин қадамларини тортишяпти.

Хўжаликнинг «отахони» ҳали оёғи узангида эканлигида атрофида гирдикапалак бўлиб, хизматига лаббай деб турган укахонлар-ку қорасини кўрсатмайди. Ҳафта-ўн кун бўлаётибдики, на оғайни, на қавм-қариндошнинг дарвоза ҳатлаганини эслаёлмайди... «Укағарлар, раиснинг кимлигини билишмайдида?! Э, йўқ, жуда яхши билишади. Қишлоқ одамларидан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Нафас олишинггача сезиб туришади».

Раис чуқур уф тортиб ўнгга ёнбошлади. Кўпдан буён оғир юк босганидан каравот ҳам ғижирламай қўйган. Хона торайиб бораётгандек, қандайдир файзсиз...

Хаёл уни беихтиёр ўтмишга етаклайди. Ўшанда қишлоқ йигитларининг олди эди. Болалигидан полвонкелбат бўлганлиги сабаб тенгдошларининг бўйи унинг

кўкрагидан келарди. Гавдасига ишора қилиб, «раис» дея лақаб қўйишганди унга.

— Важоҳатингдан от ҳуркади-ю, каллангнинг ошқовоқдан фарқи йўқ-да, ўрток Норов, — дея тергарди математика муаллими.

Бўладиган бола ўқисаям, ўқимасаям бўлаверар экан. Мана, раисни олайлик. Билагида куч ёғилиб турган норғул йигитни бир амаллаб ҳарбий хизматдан олиб қолишди.

Ўриклар гуллаган паллада уларникига туман марказида яшайдиган кенжа тоғаси келиб қолди. Тоға опаси билан анча гурунглашди.

— Хўш, жиян, нима ишлар билан шуғулланяпсан?

Боядан бери чой қуйиш баҳонасида суҳбатга қулоқ солиб ўтирган жиян тоғасининг кутилмаган саволига дабдурустдан жавоб беролмай қолди.

— Эй укагинам, нимасини айтай, бу жиянингни одам бўлиши қийин. Яхши ўғил тоғасига тортади, дейишарди, билмадим, бунинг на мактабда тузук ўқиди, на бир ҳунарнинг этагидан тутди, — деди куюниб онаси.

— Раис ҳали зўр одам бўлади, — унинг сўзини бўлди тоға, — менга қўйиб беринг.

Шу-шу жиянинг бошига офтоб тегадиган бўлди. Аввалига тоғасининг ёрдами билан туман марказидаги бозорда паттачилик қилди. Секин-аста оқуқорани танийдиган бўлди, чўнтаги пул кўрди. Тоғаси туман раҳбари билан қуда бўлганидан кейин пахтачилик бригадасига саркорлик қилди, ҳар мавсумда қўша-қўша мукофот олди.

— Сизни анчадан буён биламиз, ўрток раис, — деди бир куни «катта бува», — ўйлаб қарасам, қишлоғингизни бошқарадиган, увол-савоби учун жавоб берадиган тайинли одам керак экан. Муҳими, пилла, ғалла, пахта деган нарсалар бор. Сиз, оғайни, гавдангизни тарозига тортиб бўлса ҳам режани бажарасиз, тўғрими? Шунинг учун биз, шаҳсан мен ҳам шу масъул вазифага сени, йўғ-э, сизни тавсия қилмоқчиман, қалай, маъқулми?

Суҳбатдошининг иккиланиб турганини сезган «катта бува»:

— Гап тамом — вассалом! Эртадан бошлаб қишлоғингни раиси, кайвонисисан. Ҳар бир иш учун калланг билан жавоб берасан, — дея столга қўлларини уриб ўрнидан қўзғалди. Болалигида кўпчилик «раис-раис» деганига роса жаҳли чиқарди. Бора-бора унинг қулоқлари бу сўзга кўникди. Энди эса «раис» сўзи унга мойдек ёқади. Чунки у ростдан ҳам раис бўлди. Ўн йилдан кўпроқ қишлоқни бошқарди. «Раис бува» деб қуллуқ қилувчиларнинг сонсаноғи йўқ эди. Биров тўй қиладими, ишга жойлашадими, раисдан ижозат олмаса иши юришмасди. Айниқса, пахта терими пайтида қишлоқ худди казармага ўхшаб қоларди. Кекса-ёшнинг ўрни далада эди. Кўчада бировнинг қораси кўринса борми, унинг ҳолига маймунлар йиғларди.

Шу кезда қишлоққа меҳмон ҳам келолмасди. Биров бошқа қишлоққа, ҳатто туман марказига ҳам чиқолмасди. Раҳбар ҳам, қонун ҳам раиснинг ўзи эди. Устози — «катта бува»нинг насиҳатларига амал қилиб кам бўлмади...

Раис қаёқдаги кексаларнинг гапига кириб қишлоқ ёшларини ҳунар-техника билим юртига ўқишга юбориш мақсадида «катта бува»нинг олдига кирганида боши балога қолди.

— Хўв бола, ақлингни йиғ! — ўшқирди «катта бува», — ёш бола эмассан-ку, ўқигандан нима наф? Сен тенгиларинг ичида бирортаси институт тугул бирор курсни битирган бўлганда, қишлоққа раҳбарлик нари турсин, қоровуллик ҳам қилолмасдинг. Ўқимишлидан, дипломлидан эҳтиёт бўлиш керак. Омадинг бор экан, мана, қишлоғингда катта бўлиб юрибсан. Бир кун келади, менинг гапларим ростлигига ишонасан, тушундингми, галварс!

«УАЗ»да туман марказидан қишлоққа қайтар экан, раиснинг лабларига табассум ёйилди. У «катта бува»нинг ақлига лол қолди. «Бежиз бу лавозимга ўтиргмайди-да...», дея яна бир бор тан берди.

Ўшандан буён зиёлилардан, кексалардан узоқроқ юрадиган бўлди. У раислик қилган кезлари қишлоқдан ҳеч ким ташқарига отланмади. Ўқишга ҳавасманд ёшларнинг попугини пасайтириш-

нинг йўлини ҳам «устози» ўргатди.

— Бошпиртингни уйланган пайтингда оласан, қани марш далага, бўлмаса уруғ-аймоғинг билан кўчиб кет.

Бундай ҳолатда қишлоқдан чиқиб бўладими?

«Энди ўйлаб кўрсам, хомкалла эканман. Қишлоғимиз мутахассис масаласида орқада қолди. Зиёли одамлар жуда оз. Элга билимли, маънавиятли одамлар керак экан. Тўғри, лавозимимни ушладим, мана, йиллар ўтиб, одамларнинг кўзи очилди, саводли бўлишди, энди кулгига қолдим. Давраларга кирсам нуқул пичинг қилишади. Ўқимоқчи бўлганларнинг уволи тутди. Имкони бор пайтда уларга ёрдам беролмадим. Эҳ, қалби кўр раис!».

Раис узоқ хаёлга толди. Ҳаётидаги қилган яхши ишлари эмас, негадир хатолари кинотасмадек кўз олдидан ўтиб, қийнай бошлади.

— Умид, — у рафиқасини тўнғич фарзандининг исми билан чақиришга ўрганган. — Умид! Эй номард...

Раислик пайтида хотини «гаҳ» деса қўлига қўнарди. Сал йўталгудек бўлса борми, етти чақиримдир бўлса ҳам учиб келарди. Бир умр нафаси ичига тушиб юрди бу аёлнинг. Энди эса...

— Умид! — раиснинг эшитилар-эшитилмас овози инграгандек чиқди.

— Нима дейсиз, — хотини остона ҳатлаши билан лаби-лабига тегмай бидирлай кетди. — Ҳадеб чақираверасиз, чақираверасиз, тағин алланималар дейсиз, одам дегани инжиқ бўлмаса-да...

Раиснинг ичида нимадир узилди, кўз олди қоронғулашди. Гавдасини базўр тутиб, кўзларини шифтга қадаб пичирлади.

— Сенга бир гап айтмоқчиман, юрагимда армон бўлиб қолмасин. — Раиснинг томоғига нимадир тиқилиб, ютиниб олди. — Ҳамқишлоқларга кўп яхшиликлар қилган бўлсам-да, ёшларнинг ўқишига қаттиқ қаршилик қилиб гуноҳга ботдим. Буни биласан. Эртага таъзияга келганларга менинг узримни айт. Неваралар ўқисин, ёшлар илм эгалласин, одам бўлсин...

Хотини остонада серрайиб туриб қолди.

Абдулҳай НОСИРОВ

МЕҲР ЁҒДУСИ



Кўча бошидаги симёғоч дорга
Бир чироқ осилган —
нурафшон ёрлиқ.
Кўз бўлиб,
Сўз бўлиб йўловчи — борга,
Юракка ўхшаган —
ёришган борлиқ.

Ёғдуга айланган ой каби меҳрин
Қалбларга сочган нур
тоза суюниб —
Ўчира олмаган уни изғирин,
Ўчира олмаган қорлар қуюни.

Шоир ҳам чироққа
айланиб қўркам,
Парвозлар айласа боғу чаманга —
Не ташна дилларни ёритса ўктам,
Яхшилар айланмас асло ёмонга.

Шоир бўлсам шундай —
эл ардоғида,
Чироқ бўлсам кундай —
эл қароғида

* * *

Боғларимда яна тантана,
Боғлар уриб, қулочин ёзиб,
Далаларни, даштларни таниб,
Сойга тушиб келади ёзим.
Қайнатиб-да сувни нафаси,
Тушларини айтади олдин.
Қушчалар ҳам жўшиб ҳаваси
Ёз этагин тутиб-да қолди.

Шаршаралар тошар шовуллаб,
Булоқларнинг кўзи бокира.
Олмалар ҳам шохда ловуллаб,
Анжирлардан оқади шира.

Олқишлаб-да ёзни шунчалар,
Потраб-потраб порлар ғунчалар.

* * *

Ёз. Чойхона. Сой бўйи,
Беданалар сайраган.
Бошланиб гуллар тўйи,
Бўйидан дил яйраган.

Толлар ёйиб сочини,
Сочиб сувга зар безак —
Новдалари қамчими,
Япроқлари елвизак.

Иссиқнинг нафаслари
Қочиб кетиб нарига.
Не эллар ҳаваслари
Келиб кетар сўрига...

Шундай ўктам, зиёда
Юрт бормикин дунёда?

* * *

Самарқандда боболарим бор,
Соғинчлари қалбим ўртаган.
Самарқандда момоларим бор,
Борганимда олар ўртага.

Боғларида сайр этиб узоқ,
Меҳрларин олсам қучоққа —
Чинорларнинг суйгани чақмоқ,
Илдизлари ботган тупроққа.

Кечаларга қадалган нигоҳ,
Дуоларин ўқишар тунга.
Пешонамни силаб баногоҳ,
Ухламагин, дейишар менга.

Бибим эса ойга айланиб,
Тўлиб чиқар шаҳарга ёниб.

ЁШЛАР НАФОСАТИ

Ўтган йили қуриб, фойдаланишга топширилган, шаҳарнинг марказида қанотларини ёйиб самога парвоз қилаётган оққуш шаклидаги меъморий ечимга эга бўлган Ёшлар ижод саройи бугун ёш ижодкорлар билан гавжум. Ёш шоир-ёзувчилар, рассомлар, ҳайкалтарошлару нақкошлар қизғин ижодий гурунг, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётига бағишланган турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш билан машғул. Яқинда саройда ёш рассомларнинг Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган кўргазмаси очилган эди. Кеча эса, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ёшлар ижод саройи ҳамкорлигида нашр этилган ёш санъатшуносларнинг «Нафосат» мақолалар тўплами тақдимоти бўлди. Унда ёш ижодкорларнинг санъат тарихи, меъморчилик, тасвирий ва амалий санъат, маданиятшунослик, музейшунослик йўналишлари бўйича мақолалари жамланган.



«Ёш санъатшунослар фикрларидаги ракурс ва мавзуларни кузатиш биз учун қизиқарли кечди, — деб ёзади китоб сўзбошисида санъатшунослик доктори Камола Оқилова. — Тўпламдаги мақолаларнинг баъзи бирлари монографик шаклда бўлса, бошқалари эса назарий ва умумлашган ҳолда ёзилган. Баъзиларида мустақил равишда ижодий изланиш бўлса, бошқаларида манбаларга таянганлик ҳоллари сезилади».

Муҳими, тадқиқотчиларнинг ишларида миллий маданиятимиздан фахрланиш туйғусининг, ватанпарварликнинг устуворлиги кишини қувонтиради.

Фазлиддин Тўрабоевнинг «Кушон даври ҳайкалтарошлик санъати», Фароғат Тўраеванинг «Тошкент — ўтмиш ва келажак бирлашган маскан», Гулнора Эшмуродованинг «Қадимги Хоразм ҳарбий кийимлари», Акмал Ўлмасовнинг «Далварзинтепа шаҳарсозлиги ва меъморий безаклари» каби мақолалари ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий менталитетимизга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

«Нафосат» тўпламидаги ҳар бир мақола ёшлар кўнглидаги Ватан ва миллат туйғусидан дарак беради, уларнинг истеъдодини намоён этади.

Ўз ахборотимиз.

ТЕМИР ЙЎЛ ДОСТОНИ

Доимий ҳамроҳ

Бу йўл Буюк Ипак йўли,
Бобокалонларим ўтган.
Қайга етган улар қўли,
Қаёнларни макон этган.

Бу кун биз ҳам чиқдик йўлга,
Пўлат изда карвонимиз.
Дангал бердик қўлни қўлга,
Юртбошимиз — Сарбонимиз.

Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомнинг яқинда "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Темир йўл" достони ушбу мисралар билан бошланади. Шоирнинг Қамчиқ довонидан ўтган халқаро андозаларга мувофиқ янги замонавий автомобил йўли ҳақидаги "Довон" достони ҳам юртимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида эди.

Тўлан Низом янги достонида мамлакат марказини жанубий сарҳадларимизга боғловчи янги темир йўл қурилиши бунёдкорларининг қаҳрамонона меҳнатларини мадҳ этади. Йўлсозларнинг фидойилиги, меҳнат жасорати, қурилиш соҳасида эришилган оламшумул зафарларни кўтаринки руҳ билан қаламга олади. Улар рўёбга чиқарган бу улуғ қурилиш ватанимиз тараққиёти, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги учун катта имкониятлар яратажагини образли ифодаларда тасвир этади.

Инсон ҳаётида, мамлакат тараққиётида йўлнинг аҳамияти беқиёс. Шоир буни фалсафий фикрлар асосида ифодалашга ҳаракат қилади. Унинг талқинида йўл фақат инсон юрадиган оддий йўл эмас, балки мамлакат ва миллатни буюк келажакка элтадиган катта йўл экани такидланади.

Поезд йўлга тушди.
Янгроқ садоси
Олам қулоғига етди, қуюлди.
Амир Темур тузган давлат маъвосин
Пойдевор тошлари қайта қўйилди!

Юксак тоғлар, қоялар орасидан биринчи бўлиб йўл ўтказишнинг ўзига хос машаққатлари кўп. Шоир йўлсоз баҳодирларнинг бу жараёндаги Фарҳодона меҳнати манзараларини ҳаётий мисоллар орқали ифода этади.

Темир йўл — меҳнаткаш халқнинг ҳаёти,
Темир йўл — йўлларнинг энг нодири бу.
Мустақиллик азми — тараққиёти,
Озод Ўзбекистон қон томири — бу!

"Темир йўл" китоби йўл қурилиши лавҳалари, бунёдкорларнинг меҳнат жараёни, янги темир йўл бекатлари ва уларнинг очилиши тасвирлаган рангли суратлар билан безатилган.

Муҳаррир И.Шоймардонов, бадиий муҳаррир Р.Зуфаров. Адади 1500 нусха.

М.РАВШАН

УМР ЎТКИНЧИ, ХОТИРА БОҚИЙ

Мушоҳада учун мавзу

Машҳур кишилар, буюк сиймолар шахсиятига қизиқиш барча замонларда кучли бўлган. «Машҳур кишилар ҳаёти» туркумидаги китоблар, хотиралар тўпламлари ана шу маънавий эҳтиёж маҳсули. Буюк бобокалонларимизнинг бу борадаги фаолияти ҳам ибратлидир. Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» каби шоҳ асарлари мемуар жанрининг ноёб намуналари сифатида қимматли.

Адабиётимизда сўнгги йилларда мазкур жанрда ҳам анча жонланиш кузатилмоқда. Бу қувончли ҳол, албатта. Адабиётни қисмат деб билган ёзувчи Шукур Холмирзаев (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) ўзига замондош, тенгдош ижодкорлар ҳақида туркум эссе-хотиралар ёзди. Бу жанрда заҳматкаш олим Наим Каримов, айиқса, баракали ижод қилмоқда. Унинг «Чўлпон», «Ойбек», «Ойбек ва Зарифа» китоблари чоп этилди. Таниқли навоийшунос олим Азиз Қаюмов «Академик Ғафур Ғулом» номли хотиралар китоби билан мемуар жанр равнақига ҳисса қўшди. Зарифа Саидносированинг «Ойбегим менинг», Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» номли китоблари мухлислар эътиборини тортди. Шунингдек, «Қодирийни қўмсаб», Озод Шарафиддиновнинг «Абдулла Қаҳҳор», ҳаётдан бевақт кўз юмган ёш ижодкорлар ҳақида «Эрта сўнган юлдузлар», Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Шуҳрат, Озод Шарафиддинов, Ғайбулло ас-Салом, Тоғай Мурод ҳақида замондошларининг хотиралари чоп этилди.

Камина айрим замондошлар ҳақида хотира ёзиш мақсадида отни мендан олдинроқ қамчилаган бир қатор муаллифларнинг китоблари синчиклаб ўқиб чиқдим ва: «Бизда хотира ёзиш маданияти эндигина шаклланаётган экан», деган хулосага келдим. Зеро, китобларга киритилган хотиралар турли савияда ёзилган.

Хотира ёзишга масъулият билан ёндошган, қаҳрамон ҳаётини яхши билган ва ўрганган, фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғуларини таъсирчан ифодалай олган муаллифларнинг битикларидан, албатта, кўнглим тўлди. Мен бу ўринда Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров, Ўткир Ҳошимов, Ҳайриддин Султонов, Сайди Умиров, Мирпўлат Мирзо, Эркин Аъзам, Маҳкам Маҳмудов, Ортиқбой Абдуллаев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Ашурали Жўраевнинг хотираларини назарда тутяпман. Улардаги характерли чизгилар, ибратли воқеалар, салмоқли фикр-мушоҳадалар қаҳрамонлар суврати ва сийратини ўқувчи кўз ўнгида ёрқин гавдалантиради.

Зарифа Саидносированинг Ойбек, Кибриё Қаҳҳоровонинг Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги китоблари мемуар жанрида воқеа бўлди, бу жанрнинг ҳали кузатилмаган имкониятларини намоён этди. «Аёллар бизни бахтли қилишнинг битта йўлини, бахтсиз қилишнинг эса мингламаб усулини биладилар», деган эди Ҳайнриҳ Ҳайне. Зарифахоним ва Кибриёхоним ўша ягона, машаққатли йўлни онгли равишда танлагандилар ва шу асно, ўз номларини ҳам мангуликка муҳрладилар. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби атоқли адибларимизнинг бахти шундай фидойи аёллар билан умргузаронлик қилганида. Бундай умргузаронлик осон бўлмагани, буюклар билан ҳамнафас яшашнинг машаққати, масъулияти, айни чоғда, нашъу намоси хотираларда ниҳоятда самимий, эҳтирос билан, таъсирчан ҳикоя қилинган.

Сайди Умиров устоз Ғайбулло ас-Салом ҳақида эҳтиром ва ихлос билан ёзади: «Профессор Ғайбулло ас-Салом ёзма нутқи ҳам, оғзаки нутқи ҳам бирдек ўткир, равон, сара олим, ижодкор сирасидан эди. Ёзган сўзи ҳам, айтган сўзи ҳам мағизли, тамизли, тишли-тирноқли, муаммоли, мантиқли, адолатли, оҳанрабо янглиғ ўзига тортгувчи эди, негаки улар қомусий билимли, тафаккури кенг, саводи баланд, имонли, эътиқодли, ахлоқли, маънавиятли инсон томонидан айтилгучи, битилгучи эди». Юракдан ҳис этиб айтилган бу самимий эътироф шогирднинг устоз дунёқараши, истеъдоди ва услубининг ўзига хос жиҳатларини нозик илғай олганини кўрсатади.

Озод Шарафиддиновнинг Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотираси холислиги, мулоҳазаларнинг теранлиги, жўшқин эҳтиросга йўғрилгани боис диққатни тортади. Атоқли ёзувчининг адабиётимиз ривожидаги улкан хизматлари эътироф этилиши баробарида, шахсий ҳаётидаги қийинчиликлар, ўша даврдаги раҳбарлар билан муносабатидаги зиддиятлар ҳам эътибордан соқит қилинмаган.

Очиқ айтиш керак, қалб амри билан эмас, мажбурият юзасидан (тўпловчи бюртма бергани, муаллиф йўқ дея олмагани боис) ёзилган юзаки хотиралар ҳам талайгина. Улар икки томчи сувдек бирбирига ўхшайди, такрорлар ғашга тегади, қаҳрамонларнинг фазилатлари шунчаки қайд қилинадики, шу боис, китобхонни тўлқинлантирмайди. Хотира юракдан, самимий ёзилса, муаллиф меҳру ихлосини, ҳис-туйғуларини китобхонга юқтира олса, мушоҳадалари тош босса, унинг ўзига хослиги, бетакрорлиги аён сезилиб туради. Чунки ҳар кимнинг ўз Чўлпони, ўз Қодирийси, ўз Ойбеги бор.

Тўғри, мундоқ қараганда, хотира ёзишнинг аниқ белгилаб қўйилган қонун-қоидаси йўқдек. Аммо хотирада ҳам муаллифнинг ўқувчига айтадиган муҳим гапи бўлиши керак. Айни чоғда муаллиф ўз қаҳрамони шахсияти, ижодиёти, у яшаган давр, адабий муҳит ҳақидаги оҳорли, дадил, салмоқли фикр-мулоҳазаларини китобхон ҳукмига ҳавола этсагина мақсадга эришади.

Мустақилликдан илгари ёзилган хотираларда ўша даврдаги ҳукмрон мафкура таъсири яққол сезилади. Муаллифлар кўнглидаги гапни очиқроқ ёзолмас, тарозининг бир палласига қаҳрамоннинг шўроларга қанчалик садоқат билан хизмат қилгани қўйилар эди. Балки ўша носоғлом муҳит сабаб бўлгандир, 1979 йили чоп этилган «Ойбек замондошлари хотирасида» китобининг (Азиз Қаюмов, Саида Зуннунова, Носир Фозилов хотираларини мустасно этганда) савияси ночор, юзаки эди. Ҳатто таниқли адибларнинг бу китобдаги хотиралари ҳам талаб даражасида эмасди. Замона зайли билан бу хотиралар эскирди. Афсуски, энди уларни қайта тиклаб, янгилаб бўлмайди. Ойбекни кўрган-билган авлод ўтди ҳисоб. Демак, хотира ёзиш сира кечиктириб бўлмайдиган, долзарб, хайрли иш.

Замондошлар Ойбек шахсиятига жуда юксак баҳо берганлар. Устоз Озод Шарафиддинов уни «Миллатни уйғотган адиб», деб таърифлаган. Демак, Ойбек ҳақидаги хотиралар китоби ҳам бу улуғ сиймонинг ўлмас қиёфасига монанд маънавий обида даражасида бўлмоғи лозим эди.

Тоғай Мурод ҳақида чоп этилган хотиралар китоби эса, мустақиллик эпкинидан дадилланиб, эмин-эркин ёзилгани боис, бирмунча жонли, мазмунли чиққан. Айрим хотиралар (масалан, Вафо Файзуллонинг мақоласи) қамровнинг кенглиги, теранлиги туфайли мустақил рисола даражасида. Адабиётшунослик ҳали унинг ижодини тўла таҳлил этиб бергани йўқ. Балки бу ишни энди янгича фикрлайдиган, адабиётга янгича нигоҳ билан қарайдиган авлод уддалар. Эзгуликнинг кечи йўқ.

Хотираларнинг кўнгилдагидек чиқмаётганининг сабаблари кўп. Шулардан бири ўзбекона андиша. Шу ўринда устоз Ғайбулло ас-Саломнинг «Эвоҳ, ўзбек бўлиш нақадар оғир!..», деган иқрори ёдга тушади. Хотира муаллифлари ўз қаҳрамонларининг айрим қусурлари, инсоний ожизликларини тилга олишдан ийманадилар. Мабодо шундай қилса, қаҳрамоннинг бола-чақалари, қариндош-уруғлари жанжал чиқарадигандек туюлади. Натижада сип-силлиқ ёзилган хотирада қаҳрамоннинг сиймоси ўз-ўзидан бирёқлама талқин этилади, идеаллаштирилади, ҳаётийликдан, ҳаққонийликдан маҳрум бўлади. Тўғри, андиша, одоб керак, фақат у меъёрида бўлгани, холисликка монелик қилмагани маъқул. Шу ўринда мустақилликдан илгари йигирма йил Ўзбекистонни бошқарган раҳбар, ёзувчи Шароф Рашидов шахсиятининг хотираларда акс этиши масаласи ёдга тушади. Албатта, Рашидов ўз даврининг фарзанди эди. Унинг хизматлари, қусурлари, аввало, шу билан изоҳланади. Айни чоғда, унинг Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Шуҳрат каби атоқли ёзувчилар билан муносабатлари мураккаб бўлган. Бу ҳақдаги турли мишмишларга чек қўйиш учун ҳам ушбу масалага аниқлик киритиш зарур эди. Озод Шарафиддинов бу борада очиқ, холис ёзишга журъат этолгани ибратлидир.

Хотиралардаги яна бир камчилик — фикр қашшоқлиги, журъатсизлик ва ортиқча эҳтиёткорлик. Айрим муаллифлар аён кўриниб турган ҳақиқатларни айтгиси келмайди, замон аллақачон жой-жойига қўйиб қўйган масалаларни тилга олишга журъат қилмайди. Натижада бундай хотиралар кемтик бўлиб қолаверади.

Маълумки, шўролар замонида кўплаб атоқли, таниқли адибларимиз муттасил сиёсий тазйиқлар исканжасида яшаб ижод этишган, вақти келганда замонасозлик ҳам қилишган, қизил мафкурани шарафлаб асарлар ёзишга мажбур бўлишган. Ўртамиёна ва ундан пастроқ асарлар шу ҳолатнинг оқибати. Бу фактдан кўз юмиш, уларни тилга олмаслик мумкин эмас. Афсуски, эълон қилинаётган хотираларда масаланинг бу жиҳатига эътибор қилинмаётир.

Кўзга яққол ташланадиган яна бир нуқсон — қаҳрамонларнинг шўро замонида кўп азият чекканига ҳаддан зиёд урғу беришдир. Бундай хотираларда муаллиф қаҳрамонларини жабрдийда қилиб кўрсатишга мойил бўлади, уларнинг хизматини шўролар қадрламагани, унвонлар, мукофотлар бермаганини фожеа сифатида талқин этади. Бу биронта дарслик ёки қўлланма, рисолаларда учрамайдиган ноёб далиллар, ғаройиб воқеа-тафсилотларни ўқийди. Айрим баҳсли, чалкаш масалаларга аниқлик киритилганидан, шоҳ асарлар қандай яратилганидан хабардор бўлади. Адабиётга ихлоси ортади. Миллатнинг асл фарзандлари билан фахрланиш туйғуси шаклланади. Фақат хотиралар ўқилса ва ўқишли қилиб ёзилса...

Ҳозир урф бўлган оммавий маданиятга андармон ёшларнинг аксарияти телевизорда бир-икки марта чиқиш қилган ҳонандани, кинода икки-уч марта рол ўйнаб қўйган актёрларни, футбол юлдузларини яхши билади, уларга қизиқади, аммо Асқад Мухторни, Миртемирни билмайди. Билишга ҳам интилмайди. Қатағон азоблорини бошидан кечирган Шуҳратнинг ёш ижодкорларга, қалам аҳлига, одамларга қанчалар яхшилик қилганидан, ғамхўр, меҳрибон инсон бўлганидан хабарсиз. Чунки у ҳақдаги хотираларни ўқишмаган, улар китобдан йироқлашган.

Боқий, ноёб қадрият ҳисобланмиш хотира ана ўша маънавий бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Шодмон ОТАБЕК

"АДАШ"ТИРМАНГ

Акс садо

Таажжубки, айрим олимларимиз илмда ечимини топмаган талай муаммолар турган бир пайтда, аниқ тушунчаларни чалкаштириб юборадилар. Масалан, Навоий билан Бобурнинг исмларидан адашлик излаш шартми? Афкор омма бу икки мутафаккир исмлари маъноларидаги фарқни билади-ку. Уларни сунъий равишда номдошларга чиқаришга қандай зарурат бор? Дарвоқе, Андижон давлат университети докторанти Валижон Қодировнинг "Бобур Навоий билан адашми?" ("ЎзАС", 2009 йил, 13 февраль) сарлавҳали мақоласи нафақат Навоий билан Бобурни, балки мухлисларни ҳам "адаш"тиради. Зеро, муаллиф: "...исмлари англатган маъноларга кўра номдошдирлар", деган даъвони айтади. Бироқ "Алишер" номининг иккинчи қисми "арслон" маъносига эга бўлса, "Бобур" исмининг маъноси "шер" эмас, балки "йўлбарс"дир. Бу исмларнинг луғавий маъноларини яна бир бор аниқлаш учун луғатларга мурожаат қиламиз.

Муҳаммад Ғиёсиддиннинг "Ғиёс ул-луғот"ида ёзилишича: "бар вазни **сабр**; даррандаест, ки душмани шер бошад ... **бобур** жамъи он". Яъни "бобур" сўзининг ўзаги "бабр" бўлиб, у шакл ва ўқилиши жиҳатидан "сабр" сўзи билан бир хил вазндадир. "Бабр" – шер(арслон)нинг душмани йиртқич (йўлбарс)ни англатади. "Бобур" "бабр"нинг кўплигини билдиради (Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёс ул-луғот. 1-жилд, Душанбе, "Адиб" нашриёти, 1987, 117-бет).

Тожик тилининг изоҳли луғатида эса, қуйидаги маълумотни ўқиймиз: "Бабр ҳайвони даррандаи ваҳши, ки ба паланг шабоҳат дорад" (Фарҳанги забони тожики, 1-жилд, 1969, 125-бет). Яъни бабр – йиртқич ваҳший ҳайвонининг номидирки, паланг (йўлбарс)га нисбат берилади.

Алишер Навоийнинг ўзига мансуб:

Керак шер олида ҳам шери жанги,
Агар шер ўлмаса, бори паланги —

сатрларини эслаганимизда ҳам, шер — арслон, паланг эса — йўлбарс эканлигини англашимиз қийин эмас.

Ниҳоят, "Навоий асарлари луғати"ни варақлаганимизда ҳам: "Бабр. Йўлбарс" деган (78-бет) аниқ, ихчам ва содда изоҳга дуч келишимиз мумкин.

Демак, В.Қодировнинг: "Энди Бобурга келсак, бу сўз арабча бўлиб, "шер" деган маънони билдиради", деган гапи асоссиздир. Мақола муаллифининг: "...Шермуҳаммад Мунис ҳам бир рубоийсида ўз исмининг Навоийга маънодошлигини фахр билан қайд этган эди", деган гапи ҳам илмий асосга эга эмас. Мунис Навоийга адашлигидан ифтихор этмаган, балки исмлари шаклан уйқашлигига ишора қилган, холос. Мунисниг мазкур рубоийси ва унинг қиёмига етган талқинлари дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари орқали илм толибларига ёд бўлиб кетган.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

СУРАТДА: кўҳна Самарқанд, Регистон майдонининг бугунги манзараси.

Тадқиқот, ахборот

ИЛОҲИЙ ТАРАННУМЛАР СОҲИБИ

"Маънавият" нашриёти томонидан чоп этилган Вадуд Маҳмуднинг "Танланган асарлар"и (2007) адабиёт аҳлига ўзига хос туҳфа бўлди, десак янглишмаган бўламиз. XX асрнинг 20-йилларида ўзига хос "вадудона" (Фитрат таърифи — О.Ж.) чиқишлари билан адабий танқидчилигимиз хазинасини бойитган бу мунаққиднинг асарлари, хусусан, мақолалари муҳим илмий-маърифий қимматга эгадир. Аслида, мақоламиз мавзуи бу китоб ҳақида эмас. Лекин кези келганда, В.Маҳмуднинг асарлари қайтадан маънавий мулкимиз қаторидан ўрин олишида жонбозлик кўрсатган адабиётшунос, филология фанлари доктори Баҳодир Каримовга миннатдорчилик билдирамиз.

Вадуд Маҳмуднинг "Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз" мақоласида "Амирий" тахаллуси билан ижод қилган Қўқон хони Муҳаммад Саид Амир Умархонни (1787 — 1822) "илоҳий тараннумлар соҳиби", дея таъриф этади. Ушбу нисбат, чиндан жуда ажиб ва улуғдир.

Тўғриси, Вадуд Маҳмудгача ва ундан кейин ҳам Умархон шеъриятига бундай ажиб ва баланд мақом баҳо берилмаган.

1925 йилдаёқ В.Маҳмуд юқоридаги мақоласида мумтоз шеъриятимиз янги ўзбек шеъриятига, тўла маънода, мактаб бўла олишини уқтирган ва ўз қарашларини Амир Умархон назми билан асослашга тортинмаган. Балки "Шарқ турк шеърининг иккинчи олтун даври бошлиғи", дея унга юксак баҳо берган. Бироқ кейинчалик у алқаган ижодкор "феодал-клерикал адабиёт вакили" тамғаси билан қораланиши, танқидчининг мумтоз шоирга нисбатан бундай баҳоси вақт ўтиши билан ўзига отилажак тошларга сабаб бўлишини билганмикан?!.

Ҳар ҳолда В.Маҳмуднинг адабиётшунос сифатидаги позицияси собит ва буни у тўла оқлаган. Мунаққид Амирийнинг "Етар" радифли мухаммасининг бошланғич бандини мисол тарқасида келтиради ва таҳлил доирасига тортади.

У Амир Умархоннинг девони билан батафсил танишиб чиққан ва таъкидланган мухаммасни махсус танлаб олган кўринади. Ваҳоланки, Амирий қаламига мансуб дунёвий ғўзалнинг таърифу тасҳинига бағишланган ўнлаб юксак савиядаги лирик ғазал, мухаммасу мусаддаслари бўлгани ҳолда, мунаққид айнан ўша махаммасни танлаб олган. Фикримизча, у ўз мақоласи аввалида уни «ҳақиқий ишқ» шоири сифатида қилган талқинига мазкур шеър мос тушган. Шу ўринда, В.Маҳмуднинг шеър танлаши ва бадиий асарга, туб моҳиятидан келиб чиқиб, аниқ баҳо бера олишини ҳам эътироф этишимиз зарур.

Мана, мухаммаснинг ўша илк банди ва мунаққид таҳлили:

Саҳар чаманда қулоғимга бонги уд етар,
Башорати карам вожиб ул-вужуд етар,
Бу кечаким тўлун ой, соғариға жуд етар,
Фалак пиёласидин шарбати шуҳуд етар,
Савод сурма дема, кўзларимга дуд етар...

"Буни кўрсатмакни иккинчи бир сабаби ҳам бор. Юқорида Эдгар Пўнинг таҳлилини кўрдик (мунаққид мақола аввалида Эдгар По асари ҳақида тўхталган ва сўнгра шу мисолни келтирган — О.Ж.). Амирийнинг шу ғазалини (аслида мухаммас — О.Ж.) ўшанга қараб бир оз таҳлил қилайлик: Умархоннинг мавзуи тасаввуфнинг юксак нуқтаси бўлгон умумий руҳга фано бўлиш, қуюлиш, коинот руҳи билан бирлашиш мавзуидир. Ўшанинг ҳасратидир. Эдгар Пў таъсирни ғўзаллик орқасида бериш кераклигини айтадир. Фақат бир ўлум масаласи чиқарадир ва ғўзалликни унга қўшиш учун "ғўзал бир хотуннинг ўлуми" деган мавзуни оладир. Ҳолбуки, кўрингиз ўзининг қўйғон "ғўзаллик орқали таъсир бериш" қонунига Умархонми муваффақ бўлгон, Эдгар Пўми? Мавзу орасидаги тафовутни кўрингиз, Умархоннинг ҳам қайғуси, ҳасрати бор, лекин "бир хотуннинг ўлуми учун" эмас, коинотнинг умумий руҳига қуйилиш ҳасратидир. Кўрингиз мавзу нақадар буюк, нақадар олийдир.

Сиз қандай талаққий этсангиз этингиз, бунисси аниқки, инсоннинг эришган энг юксак даража фардиятчилик (индивидуализм) эмас, ўзининг фардиятини йўқотиб, жамият ҳаёти яшашида, ундан ўтса ҳиндининг сигирни тимсол (символ) қилиб олгон ҳайвон дўстлигида, яъни бутун жонли нарсаларни суйишда (китобда "сўйиш" дейилгани хато — О.Ж.), бундан ҳам ўтса жонсиз нарсаларда ўзига муштарак ҳаёт тасаввур этишда ва уларнинг умумий руҳларини сезиш учун интилишдадир.

Тасаввуф мана шу энг сўнгги нуқта маслагидир.

Умархон шу фалсафанинг бир намояндаси бўлгонидан саҳарнинг насими, уднинг суруди, ойнинг нури, юлдузларнинг сўзлари, кечанинг қоронғулиғи унга гапирадир. Уларнинг сўзларини сезадир. Руҳлари билан сирлашадир.

Бу мавзуни олгондан кейин бунга муваффақ бир шакл топқанми, йўқми? Албатта! Чунки мухаммасни олгон. Мухаммас, Эдгар Пўнинг таҳлилидан маълум бўладирки, банд-бандга ажралгон ва ҳар қайусида бир-бировиға алоқадор, фақат айри-айри мавзулар ишлата турғон, яъни бутун фикрлар берилиб, тугатиб бир-бировидаги робитани маҳкам боғлаб бориш учун энг мукаммал шаклдир. Сўзларнинг терилиши, калималарнинг оҳангдорлиғи, ҳарфларнинг садо бературғон, титрайтурганларининг олиниши кўрсатадирки, Умархон ҳақиқий бир санъаткордир.

Эдгар Пў (пелеточе)даги охирги "рий" ундан илгариги уст чўзгини баланд ва оғир ва чўзиқ товуш бериш учун мақтайдир.

Умархонда ҳам айнан шу ҳолни кўрмаймизми? Буни бир тасодиф асарими деймиз. Шу қадар юксак фикр соҳиби ва шунча ҳунарманд шеърлари қўқонлик аҳли назм ва адабиётшуносларнинг эътиборини қозонган кўринади. Унинг ғазалларидаги ўзига хос оҳанг ва жозиба асарларининг асл ирфоний моҳиятини тўла очиб беришда хизмат қилган. Балки шунинг учундирки, Умархон унинг уч ғазалига ва кейинги давр истеъдодли ижодкорларидан Мирмаҳмуд Қорий Ҳўқандий (1828—1906) эса беш ғазалига тахмис боғлаган. Яна Қўқонда кўчирилган ва китобат қилинган ўндан зиёд баёз ва мажмуаларда ҳам Залилий шеърлари ўрин олган. Мумтоз адабиётимизнинг билимдони Пўлатхон Қайюмий (1885—1964) эса, биратўла икки асарида — "Қўқон тарихи ва унинг адабиёти" ҳамда "Тазкираи Қайюмий"да Залилий шахси ва ижодига алоҳида ўрин ажратган, айрим шеърларини баҳолиқудрат таҳлил қилган. У Залилий шеърларининг тили ва услуби ҳақида эътиборли фикрлар билдиргач, унинг девони Қўқонда бўлганлиги ва унинг қўлига паришон варақларгина етиб келганини таъкидлайди.

Яна Амир Умархон мухаммасига келсак. Чиндан ҳам Залилийнинг "Етар" радифли ғазали ирфоний мазмун-моҳият касб этади ва Умархон бу асарнинг том маъносини топган ҳолда унинг ҳар бир байтига уйғун уч мисрани боғлайди. Натижада, "ҳарфнинг садоси, калималарнинг оҳанги, вазннинг тили" яққол акс этган шеър пайдо бўлган. Айтиш мумкинки, мазкур мухаммас тасаввуф фалсафасининг қисқача тарздаги баёнига менгзайди.

Унда: ошиққа етиб келган саҳарги уд саси карамли вожибул вужуднинг азалдаги ишқдан башоратидир. Тўлин ой ёруғидаги кечада эса соқий сахийлашади ва фалак пиёласида нафақат шарбат, балки "шарбати шуҳуд" етишади. Кўзларга қора суртилиши эса, фиғондан дуд чиқишидир. Кейинги бандларда тарқат аҳлининг асл ҳолати қандай бўлиши, соликнинг ахволи руҳияси ҳам тилга олинади. Сўнгра, илоҳий ишқ ҳавосида қуш мисоли парвоз қилиш, унинг висолидан умидвор бўлиш, фақат танани ўйлаб қолмаслик, тарқат даштларини яланг кезиш таъкидланади. Ёки, мухаммаснинг яна бир ўрнида:

Тарқат аҳлини андешаси қаноатдур,
Вужуд шамъини куйдурмак анга одатдур,
Чу соф бўлса кўнгул, анжуманда хилватдур —

сатрлари орқали Умархон тасаввуф таълимоти, хусусан, хожагон-нақшбандия тарқати моҳиятидан чуқур хабардорлигини англатган. "Анжуманда хилватдур" жумласи мазкур тарқатнинг улуғлари — Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд томонидан ишлаб чиқилган ўн бир асос принципдан бири — "Хилват дар анжуман"нинг шеърдаги ифодасидир.

Шу тарқа муаллиф, В.Маҳмуд таърифи билан айтганда, "коинотнинг умумий руҳига қуйилиш ҳасрати"даги "нақадар буюк, нақадар олий" мавзуни ниҳоятда юксак маромда ва гўзал бадииятда ифодалаб бера олган.

Амирийни "илоҳий тараннумлар соҳиби" дейилиши бежиз эмаслигини, унинг Залилий ғазалларига қилган яна бошқа икки мухаммаси ва девонидаги бошқа бир неча асарлари ҳам асослайди. Мисол учун, унинг девонида "Ё, Шоҳ Нақшбанд" радифли форсча ғазали бор. Умархон ҳақида тарихий асар яратган — Фазлий ва Мушриф ҳам унинг дин пешволари ва замонасидаги тасаввуф арбобларига юксак эҳтиромда бўлганлигини таъкидлашади.

Умуман олганда, Умархоннинг зикр этилган мухаммаси ўзининг маърифий кўлами билан ажралиб туради. Ҳабибулла Қодирий ҳам отаси, улуғ адибимиз Абдулла Қодирий ҳақидаги эсдаликларининг бир ўрнида Амир Умархон билан боғлиқ ривоят келтирадики, бу хоннинг умри поёнида айтган икки мисра шеъри билан тугайди. Тасодифми, тавофиқми, бу шеър ҳам таъкидланган мухаммаснинг дастлабки мисраларидир: "Саҳар чаманда...".

Умархоннинг Залилий ғазалига боғлаган мазкур мухаммасини соф ирфоний руҳдаги асар, дейиш мумкин. Қуйида ушбу асар, шоир девонининг қўлёзма нусхалари асосида нашрга тайёрланиб, илк бора севимли ҳафталигимиз ўқувчиларига тақдим этилмоқда.

Амир Умархоннинг Залилий ғазалига мухаммаси

Саҳар чаманда қулоғимга бонги уд етар,
Башорати карам вожиб ул-вужуд етар,
Бу кечаким тўлун ой, соғариға жуд етар,
Фалак пиёласидин шарбати шуҳуд етар,
Савод сурма дема, кўзларимга дуд етар.

Тариқат аҳлини андешаси қаноатдир,
Вужуд шамъини куйдурмак анга одатдур,
Чу соф бўлса кўнгул, анжуманда хилватдур,
Чироғ хонақаи сўфиёна на ҳожатдур,
Ситораи фалак гунбази кабуд етар.

Ҳавои ишқда парвози мисли тайр этгил,
Ани висоли умидида тарки ғайр этгил,
Вужуд кисватини тошларга хайр этгил,
Тамоми дашти тариқат бараҳна сайр этгил,
Каломи хирқаи пашминадин не суд етар.

Висолсиз бу чамандин кўзумга зиндон хўб,
Нишоти маҳфилидин кунжи байт ул-ахзон хўб,
Агарчи булбули шўридаға гулистон хўб,
Мане жаҳон аҳлини базмидин гўристон хўб,
Навои навҳа, ҳар қабрдин суруд етар.

Фиғонки, ғафлат ила нақди умр бўлди ҳабо,
Ҳабиб равзасиға етмадим, чу бўлди сабо,
Амир эрдим, гарчи муҳаббат олиб або,
Насибаи чу жароҳат, Залил, во ажабо,
Муҳаммадий эдиму, шарбати жуҳуд етар.

Отабек ЖЎРАБОЕВ,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти докторанти

Ҳунармандлик ёҳуд меъморлик соҳаларида у ёки бу касбнинг отадан бола ва набирага ўтиши одатдаги ҳол. Бироқ адабиёт ва санъат борасида бундай давомийлик камдан-кам учрайди. Аҳли дониш бу ҳолни катта авлоднинг бирор халқасида юз кўрсатган ёркин истеъдоднинг такрорланмаслиги, "ген"ларнинг болаларда "дам олиши" ёҳуд келгусида яна юз кўрсатиш учун куч йиғиши сифатида изоҳлайдилар.

Шунга қарамай, бу борада ҳам истисноларнинг йўқ эмас. Оталарда кўринган истеъдод қирралари уларнинг фарзандлари тимсолида юз кўрсатаётган ҳоллар оз бўлса-да учраб турибди. Машҳур хонанда Тожиддин Муродовнинг бетакрор хонишларини эслайлик. Унинг Алишер Навоий, Фузулий, Махтумқули, Самад Вурғун каби шоирлар шеърлари асосида айтган ашулалари ҳамон мухлисларга завқ бағишлаб келаётир. Мана, ўн йилдирки, шу санъаткор хонадонида камол топган Шарофиддин Муродовнинг гўзал хонишлари ҳам мумтоз ашула тингловчилари сафини кенгайтириб, сулола шаклланган ижодий муҳитга қизиқиш уйғотмоқда.

УЧИНЧИ ДАРЁ

ёҳуд илдизлар ва япроқлар

Учрашув

...Кўпинча бирор катта тўй ёки томоша олдидан Тожиддин ака машшоқлари билан бироз тараддуд кўриб оларди. Меҳмонхонадан чиқаётган ажабтовур оҳанглар Шарофиддиннинг ҳам қулоғига ёқиб, ўша ёққа талпинарди. Созандалар чолғуларини ёнларига қўйиб, чой ичишаётганда эса Шарофиддин аста бориб созларни ушлаб кўрар, ўзи ҳам улардан овоз чиқаришга зўр бериб уринарди.

— Уста, ўғлингиз ҳам сиздай санъаткор бўладиган кўринади. Қаранг, чолғуларнинг ҳаммасини бир-бир тинғирлатиб кўраяпти, — дейишарди Тожиддин аканинг машшоқлари.

— Мен онам айтган аллалар билан бирга отамнинг жарангдор ашулалари садоси остида улғайдим, — дейди Шарофиддин ўзи камол топган ижодий муҳит илдизлари ҳақида сўзлаб. — Гоҳо тонг чоғи уйғониб кетган кезларим отам меҳмонхонамизда янги бир ашула куйини машқ қилаётган бўларди. Садолар сеҳрига асир бўлардим, тоғлар шукуҳига ҳамоҳанг бир нур ёлқини юрагимга оқиб киргандай бўларди. Беихтиёр уларга жўр бўлгим келарди...

Дастлаб Шарофиддинга қўш ноғора ёқиб қолди. Қўлини барабан чўпидай қилиб ноғорани ура бошларди. Сўнг иккала қўли билан ҳам чалиб, мос садолар чиқаришга уринарди. Доирадўз Сурат ака унга қўшноғорани қандай чалишни ўргатди. Бу машқлар интиҳоси шу бўлдики, ўн беш ёшдаёқ у отасининг концерт дастасига қўшилиб, машшоқларга жўр бўла бошлади. "Беш йил дадамнинг концертларида қатнашиб юрдим, — деб эслайди ўша кунларни Шарофиддин. — Бироқ ўқишинг қолиб кетади, деб дадам ҳамиша бирга юришга қўймасдилар... Қарши пединститути мусиқа факултетида бир йил ўқигач, консерваториянинг анъанавий ижрочилик бўлимида, хизмат кўрсатган артист Машраб Эрматов синфида ўқишимни давом эттирдим".

Талабалик йиллари кўпгина қўшиқларни хиргойи қилса-да, саҳнага чиқиб қўшиқ айтмасди. Аммо раҳматли Муҳриддин Холиқов гуруҳида чолғучилик қилган икки йил давомида аста-секин мумтоз ва халқ ашулаларини айтиб кўра бошлади. Ноғора, ғижжак, гитара, туркча созларни ҳам эшилиб чала оладиган машшоқнинг дастлабки наволари Муҳриддинга ёқиб қолди ва у ёш истеъдод соҳибига далда берди. Иккинчи курсда ўқиётганда мақом ижрочиларининг халқаро танлови бўлиб ўтди. Устозлари уни ҳам танловга тайёрладилар. У отасидан ўрганган "Чоргоҳ" туркуми ҳамда "Сарахбори оромижон"ни берилиб куйлади ва илк бор катта саҳнада ашула айтиб олқиш олди, танлов лауреати бўлди.

Бу воқеа бўлғуси санъаткорнинг ижрочилик йўлида катта бурилиш ясади. Ўзига ишончи ортди. Шундан сўнг Насиба Абдуллаева гуруҳи таклифи билан икки-уч йил бу жамоада ҳам турли созларни ўрганиш йўлидаги изланишларини давом эттирди. 1998 йилдан бошлаб эса анъанавий қўшиқчилик йўналиши бўйича мустақил фаолият олиб бора бошлади. Шу жараёнда у танбур ва доира жўрлигида асрлар синовидан ўтган миллий ашулаларимизга янги қанот бағишлашга ҳаракат қилди. Бунда таниқли доирадўз Элмурод Исломов билан ҳамкорликнинг самараси катта бўлди. Ойнаи жаҳон орқали намойиш этилаётган "Бозургоний" (Фазлий , шеърига Вола муҳаммаси), "Топмадим", "Қоши ёсинму дейин..." (Алишер Навоий ғазаллари), "Ёввойи тановар" (халқ сўзи) ашулалари тингловчилар томонидан эътибор билан кутиб олинди. 2001 йили "Мақом қўшиқлари" деб номланган илк дискини чиқарди. Мақом ва миллий ашула йўлидаги изланишлари, ўзига хос ижро услуби Шарофиддин Муродовга муваффақият келтирди. 2002 йили "Ниҳол" мукофоти совриндори бўлди. Шундан сўнг хонанданинг биринкетин "Ўзбекистон қалби", "Фарзандим асал қандим", шунингдек, эстрада йўлидаги "Йиғлайсан зор зор", "Ҳеч ким мени соғинмади онамдек", "Кечир ёрим" каби ашула дисклари мухлислар қўлига бориб етди. Ўтган йили эса етти йиллик ижодий изланишлари қамраб олинган етмиш икки қўшиқдан иборат аудио ва DVD дисклари чиқарилди.

Шарофиддин Муродовнинг Абдулла Орипов шеърига басталанган "Ватан" қўшиғи икки йил муқаддам Мустақиллик байрами, Жуманиёз Жабборов шеъри билан куйланадиган "Наврўзим" қўшиғи ўтган йил Наврўз байрами, "Дилхирож" ашуласи эса Конституция байрами дастурларида янгради. Хонанда эндиликда олти кишилик мақом ансамбли билан турли анжуманлар ва байрам тантаналарида қатнашиб, "Ўзбекнаво" бирлашмаси билан ҳамкорлик қилмоқда. Катта байрам дастурларида иштирок этаётгани, санъати элга манзур бўлаётгани учун устозларидан миннатдор. Матниёз Юсупов, Маъруфхўжа Баҳодиров, Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов, Ориф Алимаҳсумов ва отаси машҳур ҳофиз Тожиддин Муродовнинг дуоларини олиб улғайгани, уларнинг ижод мактабидан баҳраманд бўлгани учун тақдирга шукрона айтади. "Дадам анъанавий миллий қўшиқчилик йўлидан бориб, кам бўлмади. Менинг ҳам йўлим — шу", дейди у.

Шарофиддиннинг ижро услубига қизиқаётган ёшлар оз эмас. Шу сабабли у икки йилдан буён Санъат институтида катта ўқитувчи сифатида талабаларга мақомдан сабоқ бераётир. Раҳматжон Турсунов, Баҳрулло Лутфуллаев, Абдуҳошим Исмоилов, Мусахон Нурматов билан ижодий ҳамкорликда янги оҳанглар кашф этиб, истеъдодли шоирлар шеърларига қанот бағишламоқда.

Унинг фикрича, ҳофизлик вақтинчалик иш эмас, устозлардан ўрганилган ашула ва ижро йўлларини бузмасдан, агар қўлдан келса янги мусиқий товланишлар билан бойитган ҳолда келажак авлодга етказиш ҳар бир ижрочининг мақсади бўлиши керак. "Бўлғуси санъаткор кўпроқ давра кўриши керак, давра уни "пишириб қолгандек ҳис этардим, — деб ёзганди таниқли шоир раҳматли Сувон Соқий. — У дарёдай тошиб куйларди, унинг лутфи шалоладек, шаффоф булоқ сувларидек тиниқ. Ҳар бир қўшиққа меҳри, сеҳрини бериб куйларди. Уни тингласангиз дилингизда меҳр-муҳаббат уйғонарди. Бир-бировига етолмаган ошиқ-маъшуқларнинг, Фарҳоду Ширинларнинг, Лайлию Мажнунларнинг фоже қисмати, фиғони дилингизда аксадо берарди. Тожиддин наво этганда, сизнинг қалбингизга ҳам наво бахш этарди. У қўшиқ айтиб, ғазал айтиб ҳеч толмас эди... Тожиддин, айниқса, Лутфий, Навоий, Фузулий, Машраб ғазалларини ижро этганда сел бўлиб кетарди. Сизни ҳам вафо ва садоқатга ошно этарди. Ҳижрон озорларини ўзингиз ҳис этаётгандай, кўзларингизда ёш қалқиб, ошиқлар изтиробига ошно бўлиб қолганингизни сезмай қолардингиз".

Сувон ака Тожиддин Муродов ва унинг укаси Пўлат Ҳамидовни қўшдарё деб атаб, уларнинг сеҳрли торини сайратаётган Шарофиддин Муродовни шу дарёга қўшилиб оқаётган учинчи дарё бўлишини астойдил истаган эди. Теран илдизлар япроғи бўлиб камол топаётган Шарофиддин бу сулола ижрочилик услубини изчил давом эттирмоқда. Унинг ижросидаги оҳорли наволар, шоир орзу қилганидек, учинчи дарё бўлиб мавж урмоқда, миллий ашулаларимиз жозибасига жозиба қўшмоқда.

Бу дарёнинг сеҳрли мавжлари дилтортар оҳангларга бой бўлишини тилаймиз.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

НОЁБ ТУҲФА

Мумтоз қўшиқларга меҳр қўйган мухлислар учун санъати афсонага айланган табаррук зотлар билан ғойибона дийдорлашувдан кўра ноёб туҳфа бўлмаса керак. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан азим Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи муносабати билан ҳозирланган икки мусиқий тўпламдан айнан биз соғинган, интиқиб кутган, маънавий хазинамизнинг бебаҳо намуналари ўрин олган. Мазкур хайрли лойиҳа доирасида аср ошган ашулалар Panterra Studio билан ҳамкорликда илк бор рақамли ёзувга ўгирилди. Замонавий услубларга қизиқувчилар учун эса мумтоз ашулаларнинг илғор технология асосида сайқалланган кўриниши (ремикси) тайёрланди.

"Шаҳноз — гулёр", "Фиғон", "Ушшоқ", "Сигоҳ", "Гиря" каби мумтоз қўшиқлари билан эл орасида машҳур бўлган Мулла Тўйчи ҳофиз Европа ва Осиё мамлакатларида ўз санъатини намойиш этиб, юртимиз шуҳратини оламга ёйган. Мазкур мусиқий тўпламга Тўйчи ҳофизнинг 1905 йили биринчилар қатори грампластинкага ёздирган, Фузулий сўзи билан айтилган "Баёт" ашуласи киритилган.

Ўзбек мусиқа меросида Бухоро — Самарқанд, Хоразм, Фарғона — Тошкент, Сурхондарё — Қашқадарё каби тўрт асосий маҳаллий услуб шаклланган. Ушбу альбомга Фарғона — Тошкент ашула йўлида куйланган энг сара намуналар жамланган. Қомусий олим Абу Наср Форобий "Мусиқа ҳақида катта китоб" ("Китаб алмусиқа ал-кабир") асарида мусиқани математика, геометрия, астрономия каби табиий фанлар сирасига киритади. Форобий мусиқага инсон ахлоқини тарбияловчи, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамловчи восита, руҳга қувват берувчи ғизо (озуқа) деб таъриф беради. "Мусиқа шу маънода фойдалики, кимнинг феъл-атвори мувозанатини йўқотган бўлса, уни тартибга келтиради", — деб ёзади аллома. Ўзбек қўшиқчилигининг сара намуналари жамланган дисклари тинглаб, улуғ аллома қарашлари қанчалар тўғри эканига ишонч ҳосил қиласиз. Тошкентнинг номдор ҳофизлари асарлари жамланган аудио албомлар кўҳна ва навқирон кентнинг қутлуғ тўйига муносиб тўёна бўлди, деб ўйлаймиз.

ИЗЛАНИШ ПАЛЛАСИ

Танишув

Машҳурликка интилаётганларнинг аксарияти ўзини эстрада хонандалигига ураётгани сир эмас. Айниқса, ёшлар, ҳатто бошқа соҳалардан эстрадага кириб келаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Лекин шундай бир пайтда миллий ўзбек қўшиқларини, мумтоз ашулаларни севиб куйлаётган, санъатимизнинг дурдона намуналарини авлодларга етказиш йўлида баҳоли қудрат хизмат қилаётган хонандалар ҳам оз эмас.



Бир неча йиллардан буён мумтоз ва ўзбек халқ ашулалари ижрочилигида изланиш олиб бораётган шундай хонандалардан бири Дилдора Абдуллаевадир. Дилдорахон бетакрор ҳофизлар, дилрабо куй-қўшиқлар маскани бўлмиш гўзал Фарғонада туғилиб ўсган. Оилада ҳам санъат муҳити ҳукмрон эди. Бувиси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эътибор Қўзибоевани фақат Фарғона аҳли эмас, бутун республикамизда яхши биладилар. Отаси ҳам водийда танилган мумтоз қўшиқларнинг моҳир ижрочиси.

Табиийки, бундай шароитда улғайган Дилдора боғча ва мактаб ёшидаёқ кичик саҳналарда қўшиқ айтиб, рақсга тушар, кўриктанловларда ғолибликни қўлга киритарди. Биринчи устозлари бувиси ва отаси бўлган бўлса, кейинчалик фарғоналик санъаткорлар Қосимжон Солиев ва Султонали Манноповдардан мумтоз ашула ижро сирларини, қўшиқчиликнинг ўзига хос томонларини ўрганди. Шу тариқа "Қуйгай", "Ёввойи тановар", "Отмагай тонг", "Кўрмадим" каби қатор ашулалари билан шинавандалар тилига тушди. Изланишлари бесамар кетмади. Самарқанд шаҳрида ўтган Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов номидаги республика мақомчилар танловида муваффақиятли қатнашди. Фарғона академик халқ бадиий жамоасида хонанда сифатида республикамизнинг турли гўшаларида ўз маҳоратини намойиш этди. Бугунги кунда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси аъзоси сифатида ижод қиляпти.

Пойтахтдаги ижод жараёнига киришиб кетишида унга устозлари — шоирлар Ҳайдар Яҳёев, Ўктамхон Солиева, шунингдек, Холмурод Исломов, Аҳмаджон Дадаев, Ғиёс Бойтоев каби таниқли санъаткорлар яқиндан ёрдам бердилар. "Айниқса, Ҳайдар Яҳёев ва Холмурод Исломовлардан миннатдорман, — дейди Д.Абдуллаева. — Улар менга маънавий мадад бериб, сабр-бардошли бўлишга, бетиним изланишга, қийинчиликлардан қўрқмасликка ўргатдилар".

Албатта, санъатнинг беадад бўстонида ўз ўрнини топиш, айниқса, буюк ҳофизлар, таниқли санъаткорлар ижро этган наволарни маромига етказиб куйлаш ва уни тингловчига маъқул қилдира олиш осон иш эмас. "Тиконсиз гул, машаққатсиз ҳунар бўлмас", деб бежиз айтмаган машойихлар.

Д.Абдуллаева бугун қўшиқ санъатининг ана шундай машаққатли йўлида ўзидан нимадир қолдириш мақсадида изланмоқда. Бу изланишлар бесамар кетмайди, деган умиддамиз.

Г.ФАЙЗИЕВА

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Бухоро вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида "Энг меҳрли кутубхоначи" танловининг вилоят босқичи бўлди. Кутубхоначиларнинг касб маҳоратини ошириш, янгича технология бўйича ишлашини яхши йўлга қўйиш мақсадида ўтказилган бу тадбирда кутубхоначи Маржона Аҳмедова биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг республика босқичида қатнашиш учун тавсия этилди.

* * *

Наманган шаҳридаги "Паҳлавон" спорт мажмуасида "Соғлом оила" мусобақаси ўтказилди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларида истиқомат қилувчи саккизта оила аъзолари иштирок этдилар. Қизиқарли ўтган мусобақада Наманган шаҳридан Шамсиддиновлар оиласи ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин чустлик Насриддиновлар, учинчи ўрин тўрақўрғонлик Обиджоновлар оиласига насиб этди.

Шунингдек, наманганлик раҳбар аёллар орасида ўтказилган "Энг зўр раҳбар аёллар" спартакиадасида иштирокчилар спортнинг шашка, стол тенниси, сузиш ва волейбол турлари бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди. Унда наманганлик раҳбар аёллар спартакиаданинг ғолиби бўлдилар. Иккинчи ўрин чустликларга, учинчи ўрин Наманган тумани раҳбар аёлларига берилди.

М.КАРИМОВА

* * *

Мўйқалам усталарининг азим Тошкент шаҳри манзараларини акс эттирувчи суратлари алоҳида тақвим ҳолида босмадан чиқди. Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси томонидан саралаб олинган нафис расмлардан ташкил топган мазкур рангли тақвимни чоп этишга Ўзбекистон давлат Санъат музейи жамоаси ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

А.АЛИЕВ

ЁРҚИН РАНГЛАР ОЛАМИ

Рассом устахонасида

Рассом Ваҳоб Зиёевнинг таржимаи ҳоли унга ҳамкасб бўлган кўпгина тенгдошларининга айнан ўхшаб кетади. Мактаб, республика бадиий коллежи, ҳозирги миллий рассомлик ва дизайн институти. В.Зиёев талабалик даврини эслаганда М.Набиев, А.Лунев, Р.Аҳмедов, М.Саидов, А.Кривонос каби устозлари номини алоҳида ҳурмат билан тилга олади.

Айниқса, Чингиз Аҳмаров билан учрашув унинг ҳаёти ва ижодида катта рол ўйнади. Устоз устахонасида беш йил мунтазам шуғулланиш, машҳур рассом билан бўлган мулоқотлар унинг темурийлар даври миниатюра санъати билан чуқур танишишига шароит яратди. Кейинчалик В.Зиёев Чингиз Аҳмаровнинг ижодий тафаккурга берилган ҳолатини тасвирга олди.

В.Зиёевнинг рассом сифатида шаклланишида Европа тасвирий санъати вакиллари Д.Жотто, Боттичели, Леанардо да Винчи, Рафаэл, Тициан, Рембранд, Ван Гог каби буюк рассомлар ижодининг таъсири сезиларли бўлди. Рассом шарқнинг Беҳзод, Мирсаид Али, Маҳмуд Музаффар каби мусаввирлари ижодини синчиклаб ўрганди, уларнинг маҳорат сирларини тушунишга ҳаракат қилди.

У мойбўёқ рангтасвир, акварел, гуаш каби техник усулларда ижод қилади. Ҳозир бисотида уч юзга яқин рангтасвир ва юздан ортиқ график асарлар мавжуд. Асарларининг аксариятида шаҳар ва қишлоқ манзаралари, тарихий сюжетлар, архитектура ёдгорликлари муҳрланган. В.Зиёевнинг асарлари баъзи сюжетларга янгича ёндошиши билан ажралиб туради. Бунга «Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарога қасида ўқимоқда» тарихий полотносини мисол қилиб келтириш мумкин. Айни чоғда рассом ижодида юртимиз табиатини инсон билан уйғунликда фалсафий талқин этиш алоҳида ўрин тутади. («Қадимий қўшиқ», «Анор дарахти ёнидаги қиз», «Оила туш пайтида...»). Айтайлик, «Қадимий қўшиқ» полотноси унчалик катта бўлмаса-да, унда тасвирланган ёш қиздаги самимият томошабин эътиборини жалб этиб туради. Ўзбек тасвирий санъатида янги сўз сифатида кутиб олинган «Сукунат», поэзияга йўғрилган «Дала шийпони» асарлари ҳам мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Иккинчи асари ҳозир давлат Санъат музейида сақланади.

Юртимизнинг деярли барча гўшаларида бўлган В.Зиёевнинг манзара асарлари ҳам ёрқин, тўйинган ранглари билан ажралиб туради. «Сўқоқ Баҳор», «Бахмал», «Зомин тоғлари» каби асарлари бунга мисолдир. Сурхондарё таассуротлари асосида ишланган суратлари ҳам бошқа асарлардан фарқ қилади. Масалан, рассом Бақтрия давридан маълум бўлган Пошхурт қишлоғи манзараси, одамлари, анъаналари ва урф-одатларига алоҳида эътибор қаратади. «Пошхуртлик оила» асарида кўп болали катта оила дастурхон атрофида тасвирланган бўлиб, ранглар уйғунлиги юмшоқ кўк-бинафша, яшил тонлар ҳисобига ҳосил қилинган. «Ўтов қўйилган ҳовли» картинасида эшиклари ланг очиқ ўтов гўё сизни соя-салқин хонага чорлайди. Қарши томонда дарахтга суянганча уй бекаси ўтирибди, орқасида ҳаво рангли уй девори ҳамда кўк рангда кириш эшиги тасвирланган. Картинанинг иккинчи ярмида хўжалик хоналари, нарвон, ошхона жиҳозлари кўзга ташланади. Уларнинг ҳаммаси ва ҳовлининг бир қисми сариқ рангда бўлиб, ёзнинг образли ифодасини англатади.

Бойсундан олган таассуротлари асосида яратилган «Какликлар ишқибози», «Омон ака», «Қишлоқнинг якшанба мол бозори» картиналари, «Бойсун туркумлари» график асарларида табиатга, борлиққа ўзгача нигоҳ яққол кўзга ташланади.

Рассомнинг юртимизнинг маданий ёдгорликларига бағишланган «Тиллакори», «Шоҳизинда. Оқшом», «Хива» каби асарлари, кўплаб натюрмортлари ҳам мухлислар ва мутахассислар эътиборини тортган. Айниқса, «Олхўри», «Лимонли натюрморт», «Гармдори» каби асарлари ниҳоятда майин колорити, табиийлиги, ранглларнинг ўрнида қўлланилиши билан ажралиб туради. Бошқа асарлари қатори В.Зиёевнинг портретлари ҳам ўзига хос усулда ишланган. Бундай ишларида рассом чизилаётган одам образи тўлиқ намоён бўлиши учун фонга алоҳида эътибор қаратади. «Она портрети», «Гуласал портрети» бу жиҳатдан эътиборга молик.

Ўрни келганда Ваҳоб Зиёевнинг истеъдодли болалар билан олиб бораётган ишларига алоҳида тўхталиш жоиз. Бундан йигирма йилча олдин таниқли рассом Рўзи Чориев билан болалар бадиий ижодиёти Республика марказини ташкил этишда жонбозлик кўрсатган В.Зиёев ҳозиргача тасвирий санъат студиясини бошқариб келади. Яна 24-меҳрибонлик уйида ҳам студия ташкил этиб, 20 нафар болага рассомлик сир-асрорларини ўргатмоқда. «Болалар билан ишлаганда шахс ва ижодкор сифатида ўзлигини намоён қилишга қўйиб бераман, дейди рассом. — Ишлаш техникасини, бўёқ ишлатиш услубини тушунтираман, лекин ҳеч қачон унинг ишига аралашмайман. Ижодий эркинлик болани кўп нарсага ўргатади».

Бугунги кунда таниқли рассомлар қаторидан ўрин олган Ваҳоб Зиёев асарлари Ўзбекистон музейлари ва галереяларидан, Германия, АҚШ, Норвегия, Исроил, Туркиядаги хусусий коллекциялардан ўрин олган. Ҳозирда рассом ижодий ҳисобот тарзида ташкил этиладиган шахсий кўргазмасига тайёргарлик кўрмоқда.

Лариса ЛЕВТЕЕВА,
санъатшунос



«ЁЛҒОННИНГ УМРИ»

Янги томоша

Суратда: спектаклдан лавҳа. Марлен ролида — Г.Мамедова, Софи — Г.Ризаева.

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон ўзбек давлат драма театрида француз адиби Жорж Пуарэнинг «Эҳ, Париж, Париж... ёҳуд ёлғоннинг умри» асари асосида тўрт кўринишли комедия саҳналаштирилди. Пиесани ўзбек тилига таржимон Низом Комилов ўгирган.

Париж зодагонлари ҳаётидан олинган мазкур антиқа ҳангомада оилавий муносабатлар, эркакнинг оиладаги ўрни, оилани барқарорлаштириш ва мустаҳкамлашда бекаларнинг бурч-вазифалари, макр, рашк, ҳийла, хиёнат... ва ниҳоят вафо, садоқат ҳақида сўз боради.

Асарни театрнинг бош режиссёри Аҳматулло Ниёзов саҳналаштирди. Томоша руҳига мос саҳна қурилмалари ва безаклар театр мусаввири Зокиржон Қобулов чизмалари асосида яратилган.

Томошадаги асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Мамедова, етакчи артистлардан Низомиддин Қодиров, Гулнора Ризаева, Дилором Эгамова, Умрзоқ Тиллаев, Мўмина Абдурашитова, Ҳабибулло Абдуллаев ва бошқалар талқин этишаётир.

Абдуазиз ҲОШИМОВ

ҚЎЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН...

Янги томоша

Шу йил июл ойининг бошларида пойтахтимизнинг Маданият ва санъат кўргазмаси биносида "Қўли гулдир ўзбек аёлин" номли кўргазма-савдо лойиҳаси намойиш этилганди. Уч кун давом этган кўргазмада 100 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотлар сотилди. 50 миллиондан ортиқ буюртмалар олинди ва шартномалар тузилди. Миллий маҳсулотларимизга талаб ва эҳтиёж кучли экани эътиборга олиниб, кўргазманинг мунтазам иш юритиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Шундан буён кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ҳар ҳафтада эллиқдан зиёд хотин-қизлар иштирок этиб келмоқда.

Бухоро ва Навоий вилоятининг миллий қадриятларимизга хос зардўзлик, каштачилик маҳсулотлари, Хоразм вилоятининг табиий миллий матолардан тайёрланган кўрпа-тўшаклари, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятларининг гиламлари, водийнинг адрас-атлас матолари, дўппи ва миллий қўғирчоқлари, қорақалпоқ халқининг попоплари, сирдарёликларнинг қўғирчоқбоп буюм ва миллий либослари кўргазмага келувчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Намойиш этилаётган 300 турга яқин маҳсулотларга қўплаб буюртмалар олинмоқда. 16 нафар иштирокчи бадаллардан озод этилган ҳолда "Ҳунарманд" уюшмасига аъзоликка қабул қилинди. Мазкур тадбир хотин-қизларимизнинг ижтимоий жабҳада фаоллиги ошаётгани, уларнинг оила фаровонлигига қўшаётган ҳиссаси, иқтисодий малакалари ошиб бораётганини яққол намоён этмоқда.

Гўзал РАҲМОНОВА

ҲАМЗАНИНГ ГУППИ ЧОПОНИ

Шоҳимардонга кираверишда бир туп садақайрағоч бор. Шу ердан гузар бошланади — шарқираб оқиб ётган симобранг сувли сойнинг икки қирғоғида чойхоналар, қуш уясидек тепага қараб, бир-бири билан қаватма-қават бўлиб кетган уйлар. Ёз охирларида бу ерга одам сиғмай кетади. Айниқса, рўпарадаги тепаликка — Ҳамзанинг қабрини зиёрат қилиш учун қўтарилаётганларнинг сон-саноғи йўқ. Улар тик зинада турнақатор. Бу зинапояда роппа-роса икки юз ўттиз тўртта пиллапоя бор. Шоҳимардонга келган одам борки бу улуғвор, маҳобатли зинадан қўтарилмасдан, Ҳамзани зиёрат қилмасдан кетмайди.

Мана, пиллапоялар ҳам тугади, тепалик ёнбағридаги майдонча ажиб бир маҳзун нақшлар чизилмиш мақбара, унда беором қалб эгаси шоир абадий тин олиб ётибди. Қабр тошига унинг барқанот мисраларидан бири битилган:

Тузамиз янги турмушни замон ичра,
Абадий сўнгра яшаймиз жаҳон ичра.

Нарироқда бир тўп қиз-қизалоқлар давра олиб, қўшиқ айтишяпти. Пастда, гузарда ҳаёт қайнайди — бир томонда дор, бир томонда полвонлар. Шоҳимардонлик Лочин полвоннинг атрофида давра олган киму, ўз ўғилларига ҳинд афсунгарлари сингари ёниб турган олов устидан ялангоёқ юриш, бир уюм шиша синиғи устига сакрашнинг машқини олдирган Турсунали полвонни олқишлаган ким...

— Шоҳимардонга кираверишда бир туп садақайрағоч бор, шундан бурилиб Зиннат холанинг уйини сўрасаларинг, ҳамма билади, — деб тайинлашганди бизга. Бу уйни қийналмай топдик — тор кўчадан шундоққина кўтарилганда кўҳнагина икки табақали эшик, болохонали ҳовли экан. Уй эгаси — ёши етмишлардан ошган Зиннат хола олдимизга дастурхон ёзиб, туршагу баргаклардан қўйди.

— Олинглар, енглар, болаларим, Шоҳимардоннинг меваси таварик...

Мен Зиннат холадан ўтмиш даврлар тўғрисида суриштираман, гап орасида унинг шоир Ҳамзани кўрган-кўрмаганлигини сўрайман.

— Вой, нега ахир, Ҳамзахон ака Шоҳимардонга келганда бизникига тушарди, мана шу болохонада турган...

Тўқилмаган ҳикоялар

Қулоқларимга ишонмайман. Мана шу мўъжазгина кўҳна болохонада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий яшаган, ижод қилган-а...

— Жуда ширинсўз, меҳрибон киши эди, — хаёлга берилганча ҳикоясини давом эттиради Зиннат хола. — Мен ўшанда бу уйга энди келин бўлиб тушгандим, унга янги чопон тикиб берганман, хурсанд бўлиб, алқаб-алқаб кийиб юрарди...

Кампир ўша давр хаёлларига берилиб бироз жим қолиб, кейин яна ҳикоясини давом эттиради:

— Жуда покиза киши эди, дуторни чертганда эшитганни сел қилиб юборарди. Қуриб кетгур ёмонлар унинг бошига етишди...

Хола шоирнинг фожиали ўлими, унинг қотиллари устидан бўлган судни гапириб берди.

Тошкентга қайтгач, Шоҳимардон сафарим, Зиннат хола ҳақида лавҳа ёзиб, газетада эълон қилдирдим. Лавҳа кўпчиликка маъқул келди шекилли, табриклаганлар ҳам бўлди. Йиллар ўтди. Иттифоқо қўлимга бир китобча тушиб қолди, унда ўша даврда Шоҳимардонда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилинган, учтўртта фотосуратлар ҳам босилган эди. Улардан бирида Шоҳимардонда Қўшчи союзи тузишга бағишланган анжуман тасвирланган бўлиб, мажлис аҳли орасида эгнига гуппи чопон кийган Ҳамза ҳам турарди. Мен шоирнинг қатъиятли сиймосига ва эгнидаги одмигина янги чопонига узоқ тикилиб қолдим. Чопоннинг оддий қишлоқ аёллари қўлида қавиб-тикилганлиги шундоқ билиниб турарди, матоси ҳам оддийгина — урушдан олдин Фарғона тарафда расм бўлган йўл-йўл Чимён алагидан эди. Ҳамза чопони устидан белини белбоғ билан боғлаб олган эди. Бу, ўша — Зиннат хола тикиб берган чопон бўлса ажаб эмас...



...Шоҳимардонга кираверишда бир туп садақайрағоч бор. Чап томонга қайрилсангиз, мўъжазгина болохонали ҳовли олдига чиқасиз. Икки табақали кўҳна кўча эшигини тақиллатсангиз, сизни кексалигидан қадди букчайиб қолган бўлса ҳам, ҳали тетик нуроний кампир кутиб олади. У — Зиннат хола, ҳа, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга гуппи чопон тикиб берган табаррук она бўладилар. Бу хотираларни ёзганимга анча вақт бўлди. Замон ўзгарди, тарихимиздаги баъзи воқеалар, шахсларга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўз даврининг илғор зиёлиси, маърифатпарвар инсон бўлган. Яқинда бориб кўрдик — Шоҳимардон ҳам ўзгариб кетибди, унга кираверишдаги ўша — бир туп садақайрағоч энди йўқ, Зиннат хола ҳам оламдан ўтиб кетибди. Ҳамза эса абадий уйқуда. Мен авлиёларнинг муҳташам қабрларига кўз югуртирдиму шоир мақбараси томон шошилдим ва хаёлан: "Ассалом, устоз, сиз ўз асарларингизда эзгуликни тараннум этдингиз, шу йўлда қурбон бўлдингиз", дедим.

МАЙСАРАНИ ИЗЛАБ...

Сўх ва унинг атрофларини айланиб юрганимизда хаёлимга бир нарса тушиб қолди: атоқли шоир ва драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг машҳур "Майсаранинг иши" комедиясига "Воқеа Сўхда бўлиб ўтган", деб ёзиб қўйган эди. Асарнинг мазмуни кўпчиликка маълум — унда Майсара деган бир бева аёлнинг қозихонада сақланадиган ўзига тегишли омонат ақчасини олмоқчи бўлганида қози ва бошқа амалдорлар таъмагирлик йўлини тутиб, Майсаранинг уйидаги ёш ва гўзал жияни — Ойхон билан махфий висол кечаси уюштириб беришини талаб қилишади. Оқила аёл ўз қонуний маблағини қўлга киритиш учун гўё уларнинг шартларига рози бўлгандек бўлиб, қози ва бошқаларни биринкетин уйига таклиф қилади ва уларнинг Ойхоннинг бўлғуси куёви келиб қолганлиги билан қўрқитиб, биттасини эшак, биттасини сигир терисини ёпинишга мажбур қилиб, турли кулгили ҳолатларга солади ва халқ олдида шармандасини чиқаради.

Драматург бу воқеани кимдандир эшитиб ёзган бўлиши керак. Демак, Сўхда ана шундай (ёки шунга ўхшаш) воқеа бўлиб ўтганлиги рост. Хўш, бу воқеа қаерда рўй берган, Майсара деган аёл аслида бўлганми? Мен бу саволимни сўхликларга берганимда турлича жавоблар олдим.

— Сиз сўраган воқеа Сарикандада бўлган бўлиши керак, негаки у анча қадимий қишлоқ бўлган, — деди сухбатдошларимиздан бири.

— Майсаранинг бўлган-бўлмаганини билмаймиз. Унинг авлодларини ҳам ҳеч ким билмайди. Майсара исмли аёллар эса кўп учрайди...

Хуллас, ҳар хил тахминлар билдирилган. Бу — табиий, чунки асарда тасвир этилган воқеа бундан юз йиллар чамаси олдин бўлган. Эслайсизми, Майсара ўз яқинларига, қозихонадаги маблағни қўлга киритгач, Ҳисор орқали узоққа — қариндошлари тарафга йўл олишлари кераклиги ҳақида гапиради. Бу гапда ҳам жон бор, чунки маҳаллий кишиларнинг айтишича, рўпарадаги Ҳисор тоғидан ошиб ўтилса, Тожикистоннинг Душанбе тарафларидан чиқилади. Демак, "Майсаранинг иши" (тўғрироғи — Майсара деган аёлнинг чинакам топқирлиги ва қаҳрамонлиги) шу ерда юз бергани аниқ.

Майсаранинг авлодларини излаш аниқ натижа бермагач, биз масалага иккинчи томондан ёндашдик. Хўш, унда асарда тасвирланган қози ва унинг шериклари кимлар бўлишган? Бу саволга анча аниқ жавоб олдик.

— Сарикандада қозилар авлоди ўтган, ана ўшалардан бири бўлиши керак.

Бизга ўша қозининг асл исмини ҳам айтишди, аммо асарда ҳажв этилган шахсми ё бошқами — аниқ айтиш қийин.

Хуллас, "Майсаранинг иши" Сўхда бўлган ва сўхликлар ўзларининг Майсарадек мард, ориятли, оқила ва топқир аждодлари билан фахрланишга ҳақлидирлар.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ



АБДУЛЛА ҚИЗИҚ НИМА ДЕЙДИ?

Афсус

Бир шифокор ҳамкасбига ҳасрат қилиб қолибди.

— Биласанми дўстим, яқинда кечириб бўлмайдиган хатога йўл қўйдим. Эсласам, ҳалигача баданим жимирлаб кетади.

— Бирорта беморга нотўғри ташхис қўйдингми, ишқилиб бирор кор-ҳол юз бермадими? — хавотирланиб сўрабди ҳамкасби.

— Э, қайдаги гапни гапирасан-а, биродар, нотўғри ташхис қўйсам, шунчалик азобга қолармидим Бир беморни уч кунда тузатиб юборибман. Кейин билсам, миллионер экан, ярамас. Билганимда, икки-уч ҳафта ушлаб турардим...

Даданг ҳам билмайди...

География дарсида ўқитувчи болалардан бирини харита ёнига чақириб:

— Қани, Иззатулло, менга Канадани кўрсатиб берчи, — дебди.

Иззатулло хаританинг уёғига қарабди, буёғига қарабди, аммо Канадани топа олмабди. Кейин қўл телефонидан кимгадир қўнғироқ қилмоқчи бўлибди.

— Иззатулло, кимга қўнғироқ қилаяпсан? — ҳайрон бўлиб сўрабди ўқитувчи.

— Дадамга, — дебди Иззатулло, — сўраб кўрайчи, ҳойнаҳой дадам билсалар керак?

— Билмайди, дадангни ҳам ўзим ўқитганман, — дебди ўқитувчи.

Бир метри бир ўпич...

Бир чиройли қиз атлас сотилаётган дўконга кирибди. Сотувчига ноз-карашма қилиб:

— Яхши йигит, мана бу атласингизнинг баҳоси қанча? — деб сўрабди.

Сотувчи қараса, кўҳликкина қиз, ҳазиллашгиси келиб:

— Бир метри бир ўпич туради, яхши қиз, кўпроқ олаверинг, харидори кўп, ҳали замон тугаб қолади, — дебди.

— Ие, жуда арзон-ку, ундай бўлса ўн беш метр ўраб беринг, — дебди қиз хурсанд бўлиб.

Сотувчининг оғзи қулоғида, дарҳол ўн беш метрни ўраб берибди. Қиз бўлса ташқарига қараб:

— Эна, ичкарига киринг, атлас олдим, ҳисоб-китоб қиворинг, дермиш...

Тадбиркорлар

Америкалик астронавтлар Марсга қўниб, Ерга хабар йўллашибди:

— Ер, Ер, Марсга омон-эсон кўндик, ҳеч қандай хавф-хатар йўқ, рухсат берсаларинг, бироз мизғиб олсак, жуда чарчаганмиз...

— Ўттиз дақиқа дам олишларинг мумкин, — дейишибди Ердагилар, — кейин очиқ фазога чиқасизлар. Иш кўп...

Астронавтлар энди ётишган экан, кеманинг эшиги тақиллаб қолибди. Ҳайрон бўлиб, люкни очишса, икки киши қўлида қоп билан турганмиш. Кўрқиб кетиб сўрашибди:

— Кимсизлар?

— Олтиариқданмиз, — дебди нотаниш кимсалар, — ярим қоп бодринг қолди, олинглар, арзонга берамиз.

— Бу ерга қандай келиб қолдинглар?

— Сўраб-сўраб келавердик, олинглар, яхши бодринг, пулига бензин берсангиз ҳам майли, "КамАЗ"ни заправка қилишимиз керак, — дермиш бодринг-пурушлардан биттаси.

Хўроз

Битта товуқ жуда семириб, ҳаволаниб, босар-тусарини билмай қолибди. Қўноқдош шерикларини, ҳатто хўрозларни ҳам менсимай қўйибди. Одамлар "кишт" деб қувишса ҳам парво қилмай, дуч келган жойни титиб, янги супурилган жойларни ифлос қилиб юраверибди.

Бир куни шу товуқ катта йўлнинг ўртасидан босайми-босмайми деб ороланиб кетаётган экан, асфальт ётқизадиган машина орқасидан келиб босиб, ерга қапиштириб кетибди. Орадан бироз ўтгач, товуқбой бир амаллаб ўрнидан турибди, қанотларини қоқиб керишибди, бўйнини уёқ-буёққа чўзиб, асфальт машинанинг орқасидан қараб:

— Хўроз бўлса, киройи мана шунақа бўлса, дермиш...

ЭЪЗОЗЛИ УМР

Хотира

Кўнгли очиқ, бағрикенг инсон, тўғрисўз, қалами ўткир журналист, моҳир таржимон Аъзам Муҳаммадий ҳам ўз даврида кўплар қатори қуруқ туҳматга қолиб, қатағон қурбонига айланган эди.

... Қўқонлик Аъзам Муҳаммадий 1913 йили Хўқанди латифда таваллуд топди. Дастлаб эски усулда сабоқ бериладиган мўъжазгина мактабда савод чиқаргач, кейинчалик янги усулдаги мактабда таҳсил олди. Ўрта мактабни яхши баҳоларга битирган Аъзам ўша кезлардаёқ илмга чанқоқлиги билан кўпларнинг меҳрини қозонди. Ундаги иқтидорни пайқаган шаҳар раҳбарлари зукко йигитни 1929 йили Озарбайжонга — Бокудаги Шарқ халқлари университетига ўқишга юбордилар. Аъзам Муҳаммадий устозларининг панду насиҳатларига амал қилиб, фанларни қунт билан ўрганди ва жамоат ишларида фаол қатнашиб, барчага ибрат бўлди.

Ташкилотчи ва ташаббускор йигит 1932 йили университетни муваффақиятли битириб, она шаҳри Қўқонга қайтди ва «Янги Фарғона» газетаси таҳририятида меҳнат қилиб, сермазмун мақолалари, таржима асарлари билан элга танилди. Аммо 1935 йили бўйнига «халқ душмани» деган ёрлиқ осилиб, сохта айблар билан ҳибсга олинди ва судсиз қатағон қилинди. Метин иродали журналист сургунда ҳам тушкунликка тушмади. Халқимга душман эмаслигимни исботлайман, шаҳримга ёруғ юз билан қайтаман, деган орзу-умидлар билан яшади, Оллоҳдан мадад сўради.

Иккинчи жаҳон урушининг илк кунларидаёқ Аъзам Муҳаммадий қалб амрига қулоқ солиб, кўнгиллилар қаторида фронтга жўнатилди. У хизмат бурчини жазо батальонида ўтаб, жон олиб, жон берилган жангларда энг олдинги сафларда бўлди. Фашизмга қарши мардларча курашиб юрти, халқи олдида ўзини оқлади. Суд ҳукми билан Аъзам Муҳаммадийнинг бўйнига қўйилган сохта айблар олиб ташланди, йўл қўйган «хатолари» расман кечирилди.

Фронтдан она шаҳри Қўқонга ёруғ юз билан қайтган журналист 1945 йилнинг охирларида Фарғона темир йўл бўлимининг «Пўлат изларда» газетасига ишга кирди. Қайси таҳририятда фаолият кўрсатмасин, ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, тўғрисўзлиги ва ўткир қаламі билан ижодий жамоанинг ҳурматини қозонди.

1954 йили Аъзам Муҳаммадий илк бор ижодий фаолиятини бошлаган «Янги Фарғона» газетаси таҳририятига қайтди ва адабий ходим, бўлим мудири ва масъул котиб лавозимларида фаолият кўрсатди. Тўққиз йил мобайнида газета саҳифаларида шаҳар ҳаётининг ўзига хос йилномаларини яратди.

1963 йили шаҳар газеталари тугатилгандан кейин Аъзам Муҳаммадий Ўзбекистон туманида чоп этиладиган «Пахтакор» газетасида масъул котиблик қилди. Ҳеч кимдан ёрдамини аямайдиган бу беғубор инсон ёшларнинг меҳрибон ва талабчан устози, тенгқурларининг дилкаш сухбатдоши эди. Бўш вақтларида эса араб, форс, озарбайжон, тожик ва рус тилларида ёзилган бадиий асарларни ўзбекчага ўгиришни хуш кўрарди. Чунки бу тилларни худди она тилидек мукаммал билар, бемалол сўзлаша оларди. Аъзам Муҳаммадий машҳур адибларимиз Усмон Носир, Амин Умарий, Хусайн Шамс, Чархий, Чустий, Жавдат Абдулло, Мирзо Турсунзода, Абдулла Ҳушёр ва бошқа кўплаб қаламкашлар билан дўст тутиниб, ижодий ҳамфикр бўлган ва ҳамкорлик қилган.

От ўрнини той босар деганларидек, Аъзам Муҳаммадийнинг матбуот оламида етолмаган орзуларини унинг ўғли Абдулҳамид Муҳаммадиев рўёбга чиқаряпти. У «Янги Фарғона» газетасининг узвий давомчиси бўлган «Қўқон садоси» таҳририятида худди отасидек масъул котиб бўлиб ишламоқда. Ғафур Ғулом номидаги нашриётда унинг «Муҳаббат кечалари» шеърий тўплами чоп этилди. Ота изидан бораётган Абдулҳамид Муҳаммадиевга падари бузруквори каби эл эътиборини қозонишини тилаймиз.

Баҳодир НОСИРОВ

ТОШДЕВОР ВА АНТЕННА

Ҳажвияча

Уйдагиларни соғинсам ёки чўнтакда шамол айланиб қолса, дадамнинг қўл телефонларига қўнғироқ қиламан. У ёқдан чиройли овоз эшитилади: "Телефон хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида.". Ие, ҳар гал шу, кейинги пайтларда дадам ҳам...

Шундай дейману қишлоғимизда қўл телефонларининг антеннаси бировга тутқич бермаслигини яхши биламан. Битта ҳамқишлоғимиз уйига каттакон антенна ўрнатган экан, қариндош-уруғ, қўни-қўшни гаплашавериб, охири "банкрот" бўлибди. Шундан кейин "сотка" деганлари чиқиб, ҳамманинг оғзи қулоғига етди. Аммо бу янгиликнинг ҳам нағмаси кўп экан. Уйдагилар мен билан гаплашмоқчи бўлишса, антенна чиқадиган жой излаб, қирма-қир ошишади.

Бир гал одам хижолат тортадиган воқеа юз берган. Шаҳардан меҳмонлар келадиган бўлиб қолишди. Уйимизни аниқ билишмайди. Телефонда йўл кўрсатиб туришнинг иложи йўқ. Томнинг устига чиқиб, боғлангандай бўлдик, аммо гап гапга уланмади, узилиб қолаверди. Йўлга чиқишган экан. Машинага ўтириб, бир-икки қир ошиб, катта жарлик ёқасида кутиб турибмиз, қани энди кўрина қолишса. Телефон қилсак, нуқул "хизмат доирасидан ташқарида" деган гапни эшитамиз. Қош қорайганида уйга қайтсак, меҳмонлар етиб келиб, битта қўйни паққос тушириб бўлишибди.

Қишлоғимиз тоққа яқин эмасми, қўл телефонида росмана гаплашиб бўлмайди. Пастроқда яшайдиганлар мақтаниб қолишади:

— Бизнинг томда антенна тўла чиқади, мириқиб гаплашасан.

— Бизники қизиқ, ҳовлига чиқиб, катта харсангтош устига кўтарилсанг, шунақа тиниқ эшитиладики...

— Қўшнимнинг деворини тагига боришим билан антенна кўринади, сал қимирласанг йўқолади.

Қишлоққа борсам, энг аввало, шаҳарга телефон қилиш учун қаерда антенна яхши чиқишини билиб оламан. Шунақа уддабуронлар пайдо бўлибдики, қайсидир телефонга SMS юбориб, телефонларини қўлларида ўйнатиб, тўлқин тутишади. Бир гал қиш пайти, молхона томига чиқиб, тўлқин тутаётган эдим, оёқ қурғур сирғаниб, пастга шунақа шўнғидимки...

Қишлоғимизнинг ўртасида тошдан қилинган девор бор. Қир томонга ўтишга эринганлар, томга, дарахтнинг устига чиқолмайдиганлар шу жойга келиб, деворнинг устига турнақатор бўлиб тизилишади-да, шаҳарга, туман марказига, яна аллақаерларга қўнғироқ қилишади. Биров ҳингир-ҳингир қилади, бошқа биров томоғини қириб гаплашади. Берилиб кетиб девордан пастга қулаганлар қанча.

Мана, бугун ҳам дадамга телефон қилаяпман. Пул тугаганига анча бўлди. Аммо боғланишнинг иложи йўқ. Нуқул: "Телефон хизмат доирасидан ташқарида" дейди қизи тушмагур. "Дадангиз тошдевордан анча узоқда" деса бўлади-ку? Ё қишлоқдошлар деворни бузиб, ўрнига замонавий телефон станцияси қуришаётганмикин-а? Шундай бўлиши ҳам мумкин. Ўтган гал борганимда қулоғимга чалингандай бўлувди. Шундай бўлса борми, роса мириқиб гаплашамиз-да...

Азиз НОРҚУЛОВ

Газетхон илҳоми

ТЎРТЛИКЛАР

Оқила қайнона қаттиқ гапирмас,
Кўнгил қалъасини бузиб, ўпирмас.
Гар овсинлар иноқ бўлса, ҳовлида
Бир-бирига қараб хазон супурмас.

* * *

Одамга татимас севгисиз турмуш,
Бургут кўзин бургут чўқимас эмиш.
Қуш ўз боласини ташлаб кетмайди,
Инсон бажаролмас қушчалик юмуш.

Пардабой ҚУЛАТОВ

Жарқўрғон

ОЧИҚ МАЙДОНДА КОНЦЕРТ

Тўхтасин Жалилов номидаги давлат академик халқ чолғулари оркестри ҳам мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган байрам шодиёналарида концерт дастури билан фаол иштирок этди. Айниқса, оркестрнинг Тошкент трактор заводи очиқ майдонида берган концерти томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Шу куни майдонда ўзбек, қозоқ, рус халқ куй-қўшиқлари, Тошкентга бағишланган асарлар, жаҳон санъати дурдоналари янгради. Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрининг етакчи солистлари Нормўмин Султонов ва Раҳим Мирзакамолов ижросидаги "Карнавал вальси" (С.Юдаков), "Айтдим салем каламкас" (Л.Ҳамидий) асарлари, "Майсаранинг иши" ва "Кармен" операларидан ариялар концертга файз киритди.

Дастур меҳмони, Винченц (Италия) консерваториясидан амалиётга келган Алфия Галиакбарова "Тақдир кучи" (Ж.Верди) операсидан Леонара ва "Жанни Скикки" (Ж.Пуччини) операсидан Лауретта ариясларини моҳирона куйлаб, жаҳон классикасининг мураккаб партияларини ҳам бемалол ижро эта олишини намоён қилди.

Оркестр солистлари Қаҳрамон Бозоров ва Ғанижон Юсупов қашқар рубобида молдаван композитори Деникунинг "Жаворонок" асарини, дуторчилар Ирода Мирсоатова ва Юлдуз Мирсаматова Ш.Файзуллаевнинг "Табассум" пиесасини маромига етказиб ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар. Профессор Форуқ Содиқов бошчилигидаги оркестр концертининг сўнгги номери Д.Шостаковичнинг "Байрам увертюраси" дастурнинг юксак чўққиси бўлди.

Зуҳра ҒАФУРОВА

Утерянный аттестат А № 502613 выданный школой № 97 Юнусабадский р-н, г.Ташкент от 1991 году на имя Исламова Алёна Талиджановна **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянный студенческий билет № 41301 выданный Ташкент ахборот технологиялари университети в 2009г. на имя Нарзиева Элёра Вохидовича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянную круглую печать частного предпринимать: Нарзуллаева Улугбека Озодовича выданную Сабир Рахимовским хокимиятом **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

* * *

Тошкент вилояти Қибрай туманида ДСИдан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган "Маран" ф/х Тош.вил. хўжалик судининг 2009 йил 2 июлдаги 11-0930/10355 (19)-сонли ҳал қилув қарорига кўра банкрот деб эътироф этилиши муносабати билан даъволар Қибрай тумани ДСИ биносининг 110-хонасида қабул қилинади.

* * *

Тошкент қурилиш техникуми томонидан Мухамедов Комилжон Баҳрамович номига 10.04.1986 йилда берилган ЗТ-1 №843834 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

ООО "LATOFAT LYUKS" (ИНН 300774216) сообщает, что утеренный кадастр реестр №3-289/2008 **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянный аттестат о средним образовании за О*R № 0129023 номером выданный; школы №4 гр. Чирчик Ташкентского области. **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянный диплом за К № 193177 выданный Чирчикского промышленно-профессионального колледжо на имя Крутова Сергея Владимировича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянный аттестат о средним образовании на имя Кортюшовой Марины Алексеевны номер Д № 317855 выдан 26.06.87 г. гр. Ташкента м-в Чиланзар школа №217, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

2008 йил Олмалиқ шаҳар 11-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Абляев Эмиль Ринатович номига берилган №O`R SH 0911329 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Утерянный аттестат выданный O`RA №606319 школой №104 Сергелийского р-на на имя Каримовой Шахло Юсуповны в 1999г. **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Котибият — 233-49-93
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 233-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Жамшид МАТЁҚУБОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.00

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4392. Буюртма Г — 848. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН